

У. НОРМАТОВ



АИД  
ХМАД



УМАРАЛИ НОРМАТОВ



## **МУНДАРИЖА**

- |    |                                      |
|----|--------------------------------------|
| 5  | Одамлар орасида, устозлар тарбиясида |
| 9  | Лирик новелла устаси                 |
| 33 | Қувноқ қаҳқаҳа                       |
| 54 | Күлгү мадҳ хизматида                 |
| 69 | Ижод уфқининг кенгайинши             |

## ОДАМЛАР ОРАСИДА, УСТОЗЛАР ТАРБИЯСИДА

1940 йили китоб дўконларида «Тортиқ» номли жажжигина тўплам пайдо бўлди. У моҳир сўз устаси Абдулла Қаҳҳор эътиборини ўзига тортди. «Сайд Аҳмад қўлига танбур олини, қулогини бурашига, парда босишига, чертишига қараганда тузук бир мashi; чала оладиганига ўхшайди, лекин ҳали машқ чалгани йўқ. «Тортиқ»даги ҳамма ҳикоялар шуни кўрсатади. Танбурии қўлга олиб, созлашдан мурод машқ чалиш эканини эсдан чиқармаса бўлгани», — деб ёзди у «Тортиқ» ҳақидаги мақоласида.

Адаб ёш ёзувчининг галдаги машқларини доимо кузатиб борди, яхши машқлар чалганда қувониб, далда берди, усулдан чицқандай эса йўл-йўриқ нўрсатди, койиди. Мана, орадан чорак аср вақт ўтиб «Уфқ» романни пайдо бўлди. Уни ўқиб, устоз яна шу гапларни айтди: «Сайд Аҳмад бундан кўп йиллар муқаддам қўлига адабиёт танбурини олиб чертганда, қўли келишганини кўриб, яхши созандай бўлиб, яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилиган эдик. Шу орзумиз ушалиб келаётиди. «Уфқ» унинг илҳом ва маҳорат билан чалган машқидир».

Саид Аҳмадининг ёзувчи бўлиб етишувида яна бир улкан адаб,Faafur Гуломнинг хизмати, таъсири катта бўлди.

«Қуни кеча, — деб эслайди у «Адабий оила» сарлавҳали мақоласида,—бир даста «Муштум»ни қўлтиқлаб менинг уйимдан Абдулла Қаҳҳорникига, униқидан менинига қатнаб бирор жўяли маслаҳат қидириб юрган Саид Аҳмад бугун бақувват сатирик юморист ёзувчимиз бўлиб етишди...

Мен Саид Аҳмадни замонамизнинг пешқадам ҳикоянавислари сафида кўраман»<sup>1</sup>.

Faafur Гулом ўша мақоласида «Уфқ» романни устида тўхталиб, уни ўзбек адабиёти ҳазинасига қўшилган асар, деб атайди.

Саид Аҳмад 50 йиллик ҳаёти, 30 йилдан ошиқ ижодий фаолияти давомида китобхоналарга ўнлаб лирик ҳикоя, талай ҳажвия, бир пьеса, «Қадрдон далалар», «Ҳукм», «Суд» қиссаларини, икки китобдан иборат «Уфқ» романини тақдим этди, адабий аҳоли сафига Чўл бургути, Урик домла, Икромжон, Асрора, Иноят оқсоқол сингари янги одамларни олиб кирди.

Саид Аҳмад 1920 йил 10 шунда Тошкент шаҳрида туғилди. Аввал ўрта мактабда, сўнг тасвирий санъат билим юртида, Тошкент педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди. У меҳнат фаолиятини журналистикдан бошлаган, дастлаб радиокомитетда, «Қизил Ўзбекистон» газетасида мухбир, сўнгра «Муштум»,

<sup>1</sup> «Совет Узбекистони», 1965 йил, 15 август.

«Шарқ юлдузи» журналларида адабий ходим бўлиб ишлаган. Мухбирлик уни қайноқ ҳаёт қучогига, одамлар орасига олиб кирди. У она юртни неча бор бошдан-оёқ кезиб чиққан. Хоразм ва Катта Фарғона канали. Фарҳод ГЭСи қурилишиларида газетчи бўлиб қатнашган. Ёзёвонни ўзлаштираётган чўлқуварлар сафида чўл шамолларига кўкрак тутган. У ҳамиша сафарда, ҳар доим одамлар орасида, меҳнат аҳлининг ташвиш ва қувончларига яқиндан шерик бўлди. Шундан бўлса керак, у меҳнаткаш халқ қалбини, дардини чуқур ҳис этади, меҳнат аҳлининг кайфияти, тили, урф-одатини, она юртнинг паст-баландини жуда яхши билади. Ўзи кўрган, ўзи билган ана шу кишиларни, таниш манзараларни қаламга олади.

Сафдошлари орасида ёзувчи Сайд Аҳмадининг изходий қиёфаси, услуби аниқ ажралиб туради.

Ёзувчининг ўзи қанақа бўлса, асарлари ҳам шунақа бўлади, дейишади. Бу таъбири, эҳтимол, ҳамма ёзувчига тадбиқ қилиш қийинидир, аммо Сайд Аҳмадга бемалол тадбиқ этса бўлаверади. Сайд Аҳмад табиатан ҳам лирик, ҳам ҳазилкаш одам, у кирган даврада аския, ҳазил-мутойиба авжга чиқади. Табиатидаги бу ҳислат ёзувчининг тасвир услубига, асарларига шундайгина кўчади-кўяди. Унинг изходига на зар ташласак, бири бири билан бөғлиқ бўлган иккى услубий йўналишни кўрамиз. Сайд Аҳмад ҳам лирик, ҳам юморист ёзувчи.

Услубий йўналишига кўра унинг асарла-

ри ҳам асосан икки турли—лирик талқинга бой новеллалар, кулги, қаҳқаҳага мўл ҳажвиялар ҳамда бу икки жиҳатни бирлаштирган роман ва қиссалар.

Бу рисолада Саид Аҳмад тасвир услубининг, ижодий портретининг айрим характерли томонлари устида гап боради.

## ЛИРИК НОВЕЛЛА УСТАСИ

Ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг лирик тури кенг тарқалган. Деярли барча ҳикоянависларда бу тур намуналарини учратиш мумкин. Бу борада Саид Аҳмад ҳам кўп меҳнат қилганлардан бирни.

Гарчи адибнинг илк тўплами муваффақиятсиз чиққан, танқидга учраган бўлса ҳам,<sup>1</sup> ўшандаёқ ёш авторнинг ўзига хос тасвир йўсини—ҳаёт ҳодисаларини комик ва лирик тарзда ўзлаштиришга мойиллик сезилган эди. Автордаги ана шу майл уруш даврида ва урушдан кейин яратган қатор ҳикояларида, шунингдек, «Қадрдон дала-лар» қиссасида бирмунча шаклланди, 50-йилларнинг ўрталарига келиб, унинг ижодий қиёфаси аниқ намоён бўлди, кейинги 15 йил давомида адибнинг ўндан ортиқ ҳикоялар китоби чиқди, эътиборга сазовор новеллаларини мана шу йиллар давомида яратди. Энди Саид Аҳмад ҳам моҳир юморист, ҳам лирик новелла устаси сифатида танилди.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналининг 1941 йил 2-сонида босилган Абдулла Қаҳҳорининг «Тортиқ» сарлавҳали мақоласи назарда тутилади.

Шүниси ҳам борки, Саид Аҳмаднинг қизғин ҳикоячилик фаолияти умумсовет адабиётида характерли бир тенденция— прозада лиризм кенг ёйилган даврга тўғри келиб қолди. Автор асарларида аввал уч берган, шакллана бошлаган услубий хусусиятлар ана шу шароитда барада рўёбга чиқди.

Кейинги пайтларда, «лирик проза» ҳақида кўп баҳслар бўлапти, баъзан прозадаги лиризмни камситиш ҳоллари учраб қоляпти, «Вопросы литературы» журналининг 1969 йили ўтказган «Ҳозирги ҳикоя» мунозарасида ҳам шу нарса сезилди.

Тўғри, баъзи авторлар насрни лирикалаштираман, деб, меъёрдан четга чиқиб кетдилар, эпик тасвир санъатини тушириб юбордилар, айрим ҳолларда лиризм сентиментал талқин. Ғайри табиий романтика билан алмашина бошлади, бу ҳол замондошимиз образи қиёфасига соя туширди, уларни замондан, конкрет муҳитдан узоқлаштириб қўйди. Шу билан баробар лиризм прозага кўп ижобий фазилатлар олиб келдики, буни тан олмаслик катта хатодир. Асарда «гап айтиш»га интилиш, айтадиган гапни куйиб-ёниб, тўлиб тошиб айтиш, ҳаётга фаол муносабат. Жўшқинлик, инсон шахсиятига эътибор, унинг тақдири ҳақида астойдил қайпуриш, самимийлик — бу фазилатларниң барчаси худди ўша насрдаги лирик йўналиш билан алоқадор. Камчиликларнига рўкач қилиб, адабий жараёндаги бу муҳим тенденцияни ёмонга чиқариш ўрнига, ҳодисани

чуқур таҳлил этиш, масалага конкрет ёндашиш, масала моҳиятини очиб бериш, унинг мусбат ва манғий томонларини аниқлаш мақбул бўлур эди. Шу нуқтаи назардан Сайд Аҳмаднинг лирик новеллаларини ўрганиш, унинг услубий хусусиятларини кузатиш фақат адабининг ижодий қиёфасини счишга эмас, насримиздаги лирик тенденция моҳиятини англаб олишга ҳам маълум даражада ёрдам беради.

Сайд Аҳмаднинг лирик ҳикояларини мавзу жиҳатдан асосан иккига ажратиш мумкин. Ёзувчининг ўидан ортиқ ҳикояси уруш ва унинг оқибатлари ҳақида, қолгандарни деярли ҳаммаси севги, оиласвий-ахлоқий муносабатлар ҳақида. Ёзувчи уруш оқибатларини қаламга олганда ҳам, севги, оиласвий муносабатларни ифода этганда ҳам бир муҳим масала — одамнинг одам олдидаги, эл-юрт олдидаги бурчи, масъулияти масаласи ҳамиша унинг диққат марказида туради, адаб ҳар бир ҳикоясида ана шу бош проблеманинг қандайдир янги томонини очишга интилади. Сайд Аҳмад ҳикояларининг қаҳрамонлари ғоят хилмажил кишилар, уларнинг бирида катта ҳаёт остонасига эндигина қадам қўйған, илик меҳнат, илик муҳаббат, илик бўса лаззатидан баҳраманд бўлган ёшларни учратсак, иккинчисида ҳаётда адашиб, шундай замонда бахтини бой бериб қўйған нодон-ношуд кимсаларга дуч келамиз, яна бирида ўз шахсий ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, ўзгалирга бахт ҳадя этган олижаноб кишиларни кўрсак, бошқасида фақат ўзини деб ўзга-

ларни қон қақшатувчи худбинларга рўпара бўламиз, авторнинг қатор ҳикояларида асримиз юкини елкасида кўтарган, кўпни кўрган отахонлар, мунис-мехрибон онажонлар сиймоси билан танишамиз. Қисқаси, бу қаҳрамонлар ким ва қайси ёшда бўлишидан қатъи назар, авторнинг замондошлари — 50—60-йиллар кишиси.

Ёзувчи ўз замондошлари хатти-ҳаракати ва тақдирига пассив кузатувчи сифатида эмас, ёниқ шоирона бир қалб билан ёндашади. Унинг новеллалари бамисоли шеърий асарнинг ўзгинаси, автор тасвир объектига фаол аралашади, қалбидаги ҳис-ҳаяжонни барада тўкиб солаверади.

Ёзувчи ҳикояларни кўпинча ҳикоячи қаҳрамон («мен») тилидан айттиради. Ҳикоячи қаҳрамон асарда воқеаларни ҳикоя қилиб берувчи шахс тарзида эмас, балки авторнинг «вакили» сифатида иш кўради, яъни ёзувчининг позициясини ошкора ифода этиб беради. Ҳикоячи қаҳрамон қувончли ҳодисаларни кўрганда севинчдан тўлиб-тошади, кўнгилсиз ҳодисаларга дуч келганда газаби алнга олади. Бу жиҳатдан ҳикоячи қаҳрамон лирик асарлардаги лирик қаҳрамонга ўхшаб кетади, у асардан асарга ўтиб гоҳ мухбир йигит («Хазина», «Турналар», «Тўлқинлар», «Чўл бургути» ҳикояларидағи каби), гоҳ асардаги персонажлардан бири сифатида («Онажонлар»даги шофер йигит сингари) кўриниб юради. Ёзувчи воқеаларни четдан туриб холис тасвир этганда ҳам («Кўклам чечаклари», «Мехрибон», «Мұҳаббатнинг туғилиши» дагидек) унинг

Ҳикояда ўрни борлиги, воқеаларнинг иштироқчиси экани яққол билиниб туради. Автор қалбидаги туйғулар жилосининг асар саҳифаларига худди шеъриятдаги каби кўчиб ўтиши туфайли унинг новеллалари алоҳида лирик хусусият касб этади.

Ҳикоялардаги ҳикоячи қаҳрамон лирик қаҳрамонга ўхшаб кетса-да, лекин айнан ўзчи эмас. Лирикада лирик қаҳрамон — бош қаҳрамон. Саид Аҳмаднинг энг яхши ҳикояларидаги эса ҳикоячи қаҳрамон ҳеч қаерда бош қаҳрамон тарзида берилмайди. Ҳар бир ҳикоянинг ўз бош қаҳрамони бор. Чунончи, «Хазина»да Уста Мақсад, «Турналар»да Собир ота, «Тўлқинлар»да Жўрахон, «Чўл бургути» туркумида Раҳимжон, Нўъмонжон, Ўрик домла ва бошқалар. Ҳикоячи қаҳрамон воқеаларга аралашар экан, бу билан у бевосита асарнинг бош қаҳрамони бўлиб қолмайди, балки воқеаларнинг гувоҳи, ҳикоячиси, шарҳловчиси ролини ўтайди. Ана шу образ воситасида ёзувчи асар драматизмини ифода этади. Унинг ҳикояларидаги фазилатларни ҳам, заифликларни дам аввало худди ана шу хусусиятдан келиб чиқиб изоҳлаш керак. Бу ўринда Саид Аҳмад услубини ана шу жиҳатдан Абдулла Қаҳҳор услуби билан таққослаб кўриниш ўринли бўлар эди.

Воқеаларни «четдан туриб холис тасвирилаш» тарафдори бўлган ва шу принципга ўз ижодида қатъий амал қилган атоқли прозаик А. Қаҳҳорнинг кейинги асарларида воқеаларга «аралашув» аломати кўрини-

ган эди. Буни «Минг бир жон», «Нурли чўққилар», «Синчалак» ва «Муҳаббат»да яққол сезиш мумкин. Гарчи унинг асарларида лирик элементлар кўпайган бўлса да, у ўз принципига содиқлигича қолди. Унинг асарларида драматизм бевосита характерлар ҳаракати, олишув ва тўқнашувларидан келиб чиқади, характерларнинг латти-ҳаракати, олишув ва тўқнашувлари тасвири орасига кириб қолган лирик чекинишлар ҳодисаларга бўлган автор муносабатини ойдинлаштиради, мавжуд драматик ҳолатларни кучайтиришда ёрдамчи восита ролини ўтайди. Санд Аҳмад ҳикояларида эса лирик чекинишлар асар драматизмини юзага чиқарадиган асосий восита бўлиб хизмат этади.

Мана, ёзувчининг «Хазина» ҳикояси. Ҳикояда уруш қурбони бўлган бир одамнинг тақдири тасвир этилади. Автор қаҳрамоннинг тақдирини бир бошдан ҳикоя қилиб ўтирумайди, уни олишув ва тўқнашувлар жараёнида ҳам кўрсатмайди, бош қаҳрамон ҳикояда жуда кам ҳаракат қиласди. Шундай бўлса ҳам асардан кутилган мақсад рўёбга чиққан. Ёзувчи қаҳрамон тақдиридаги шундай характерли моментларни топганки, ана шу қисқа, аммо характерли моментларнинг ўзи қаҳрамон тақдири ҳақида тасаввур қилиш учун кифоя қиласди: ҳикоя воқеаси қисқача шундай: уста Мақсуд бир вақтлар дутор чалиб, санъатига ҳаммани мафтун этган. Уста уруш туфайли қўлидан ажralади, сўнг у ўз санъатини шогирдига—тракторчи Инобатга ўргата-

ди. Автор ана шу поқеани берни учун уча лавҳа тақлайди, кейин ана шу лавҳаларга лирик, чекинишлар орқали жило бериб, унадан ўтири драматик коллизия ҳосил берди. Лавҳаларин ташлашда ёзувчи контраст приёмнини ўзлайди, лавҳалардаги контрастник, бир томондан, асар драматизмини кучайтиришига ёрдан берса, бошқа томондан, авторининг холосаларини ифодалаш учун имкон беради.

Ҳикоячи қаҳрамони—мұхбір йигит бош қаҳрамон тақдирі билан бөглиқ бүлгап ҳар учала лавҳанинг бевәсита гувоҳи. Үстани урундан буруп күрган. Унинг машқтарини эшитган. Ҳикоячи дейди:

«Ү вақтда Үста Мақсуд йигірмас беш ёштардаги вұкыудаған күч ёғызғыб туғац, бақыттағат йигит әди. Катта Фарғона кочали құрылышында мұхбрірлик қылғыб юриб, шу «Темір күпrik»ка ҳар келганды алла-паллагача чой ичиб ўтириб, унинг машқларини эшитардым».

Ана шу маълумотдан кейин шуидай бир лавҳа тасвири көлтирилади:

«Бир күнні кечаси редакцияга телефонда материал бериб, көсроқ чойхонага келсам сўриларда жой қолмабди. Ҳамма жим. Үртадаги сўрида Үста кўзларини чирт юмиб «Фарғона таиновари»ни чаларди...

Мен азим түп толнинг бужур танасига сұяниб, кексалар қалбіда аллақачон ухлаган ёшликининг қайноқ ҳисларини уйғотиб юборган, йигитлар кўксидә йилт әтган мұхаббат учқунини аланга олдираётган сөхрли куй садоларига берилиб жимгина ўти-

рардим. Уста тор чертишдан тўхтаб, атрофга кулимсираб бир назар ташлади-да, дуторан эҳтиёт қилиб ёнига қўйди.

Одамлар уйқудан уйғониб кетгандек атрофга қараб олишди. Уста Мақсуд уларни худди қўлларидаи унлаб ёшлик кўчаларига этаклагандек қара, ёшлигинги боқ, биринчи муҳаббатингни эслга, лола терган гадирларнингни, чўмилган сойларнингни кўр, деляётгандек, ҳаёт маشاққаларидан сен билан ёима-ён туриб ўтиш умр йўлдошинингниг кўксинигта биринчи бор бопи қўйиб шинқита иқрор бўлган пайтдаги ҳаяканини эслга, бу кунларга столмай орзу-армоналчи сенга ташлаб кетганингни унутма, дегандек бўларди».

Бахтиёрлик нашъаси уфуриб турған бу лавҳа гоит кўнгилсиз жиддий бир фокна дан дарак берувчи лавҳа тасвири билан алмашинади. Мухбир йигит йигирма йил ўтгач, Устага яна дуч келади. Устанинг урушда қўлдан ажралгани маълум бўлади. «Бир вақтлар торларни бекиёс чертган, санъатига кўпларни қойла қолдирган бармоқлар эиди йўқ».

Бу ҳол ҳикоячи қаҳрамонин ларзага солади: «Торларни чертишга, пардалар устида йўргалашга моҳир бўлган қўллар кези келганди мильтиқ теникисини босишга ҳам қодир эканлиги ҳақида сира ўйлаб кўрмаган эдим. Шу тоонда сладимда ўтирган кишининг сенгани санъатидан, касбидан ажралганини, уннинг ажойиб маҳоратидан кишилар бенасиб бўлганини кўриб, бу уруш ёлғиз шаҳарларни вайрон қилмади. ёлғиз

отани боладан, болани онадан жудо қилмади, балки омон қолганларнинг ҳам танасида жароҳат излари қолдириб кетганини кўриб турардим...».

Ёзувчи қаҳрамонни бу ноқулай аҳволдан олиб чиқниш учун шундай бир йўл тутади. Уста меҳмонларни тракторчи аёл Иnobat ҳузурига олиб боради, шийпонда дутор базми бошланади.

«Иnobat кўрпача устига ўрнашиб ўтириб олгандан кейин дастрўмолини ҳўллаб, торларни артиб устаининг салобати босаётгандек журъатсизлик билан куйни бошлади... Аввалига ҳиссиз, шунчаки бошланган куй бирданига ўтирганиларнинг хаёлини олиб қўйди... Бу куй менга ёшлигим, болалигимни яна қайтариб келди. Торларнинг гоҳ деңгиз довуллариdek шиддаткор, гоҳ сахар еллариdek юмшоқ садолари йиллар ўтиб қалб қаърида унутилиб кетган ажаб болалик ҳисларини тугёнга келтирди. Вужудимда ҳалигача ҳеч ким билмаган ва ҳеч ким қилолмайдиган аллақандай зўр, жуда ҳам зўр ишлар қила олишга қодир бир куч пайдо бўлаётгандек эди. Дугорга жўр бўлгим, атрофда мавж уриб турган баҳор манзараларини қўшиққа солиб куйлагим келарди...»

Шундан кейин ҳикоячининг дикқати яна бош қаҳрамонга кўчади.

«Негадир Уста Мақсадниғ юз-кўзида ҳаяжон сезмадим...

Назаримда, бу уста санъаткор узоқ йиллар меҳнат ва мاشаққат билан топган хазинасини эритиб шогирдининг қалбиға қуя-

ётғанға ўхшарди. Ииобат әса бу санъат гавҳарининг устидаги чаиг, губорни артиб, унга яиги жило, яиги сайқал бериб кишилар юрагига олиб киради».

Кўриниб турибдикк, ҳар учала лавҳада ҳам бош қаҳрамоннинг хатти-ҳарақати тасвир этилаётгани йўқ. Фақат унинг учта моментдаги уч хил ҳолати кўрсатилаштири. Бу лавҳалар маълум даражада «статик» характерга эга. Қаҳрамонининг учала моментдаги ҳолатида ҳам драматик асос бор, бироқ у «ёпиқ» ҳолда. Ёзувчи ана шу ёниқ ҳолдаги драматик асосин юзага чиқариш учун ўзининг лирик торини ишга солади. Ҳикоячи қаҳрамон ҳаракатга келади. Унинг қалби бамисоли Ииобат қўлидаги тор каби титрайди. Бир-бирига зид туйгулар қўйилиб келаверади, бирни иккичиси билан алмашинаверади: аввал қувоич ва фахр ҳисси жўш уради, сўнг алам ва ўқинич мотиви эшитилади, бу мотив тез орада газаб ва нафрат ишдосига айланади, ишҳоят бу ишдатли нидо сусайиб яна қувоич ва фахр садоси янграй бошлайди. Бош қаҳрамоннинг турли ҳолати туфайли ҳикоячи қаҳрамон қалбида тугилган ана шу лирик кечинималар асар драматизмини вужудга келтиради. «статик» лавҳаларга динамик тус беради.

Ёзувчи бир қатор ҳикояларида лиризм ва драматизмини кучайтириш мақсадида ҳикоячи қаҳрамондан ташқари воситачи қаҳрамондан ҳам фойдаланаади. Кўпчилик ҳикояларда ҳикоячи қаҳрамон ҳам, воситачи қаҳрамон ҳам бирга келаверади, бироқ

ҳар иккаласи ҳам асарнинг бош қаҳрамони бўлолмайди, асаддаги бош қаҳрамон учинчи бир шахс бўлиб чиқади. Ҳикоячи қаҳрамони воситачи қаҳрамон билан учрашиб қолади, воситачи қаҳрамон унга бош қаҳрамонинг тақдири ҳақида ҳикоя қилиб боради. Унда лирик кечинмаларни ифода этувчи шахс бир эмас, иккита бўлиб қолади. Авторининг «Тўлқинлар», «Ҳайқириқ», «Тоғларда» ҳикояларида ана шундай.

«Ҳайқириқ» ҳикоясининг бош қаҳрамони — Фотима. Ёзувчи даставвал кўп ерда ишлатадиган усулни қўллайди, ҳикоячи қаҳрамони бош қаҳрамон билан дуч келади. Бони қаҳрамонининг ҳолати ва бу ҳолат туфайли ҳикоячи қаҳрамонда тугилган ўйлар ҳамда кайфиятлар тасвир этилади. Ҳикоячи бош қаҳрамонни «дили вайрон, ташасини изтироб гижимлаб ташлаган» ҳолда кўради, кўради-ю, бундан қаттиқ таъсиранади.

«Шу топда қайрагоч ташасига суюниб автобус кутарканман, афтодаҳол бу хотинининг гам тўла кўзларини кўриб чидаб туролмадим. Нимадир деб унинг дардини енгизалтгим, кўнглини кўтаргим келди. Тараддудимни сезиб қолган ҳамроҳим — чол бои чайқаб шаштимикин кайтарди:

— Тегманг унга, тарихи узоқ, кейин айтиб бераман».

Бош қаҳрамонининг ҳолати ва бу ҳолат туфайли ҳикоячи қаҳрамон қалбида тугилгани ўйлар ва туйгулар драматик элементларга тўла. Бироқ бу ҳали ҳикоядаги ҳақиқий коллизия тасвири учун дебоча, холос.

Бош қаҳрамон тақдиридаги ҳақиқий драма чолнинг ҳикояси орқали берилади. Чол хотининг тарихини, унинг ҳолатидаги изтиоблар сабабини—уруш, адолатсизлик туфайли тортган жафоларини, севгани эридан жудо бўлганлигини айтиб беради. Автор аёлнинг фожиали тақдирини тасвирлашда нозик бир усулии қўллади: воқеаларни сўзлаб берган чол — воситачи қаҳрамон аёлнинг шу куйларга тушувига сабабчи бўлганлардан бири бўлиб чиқади. Чол мана энди ўзининг қилмишидан пушаймон, у ўзини гуноҳкор деб ҳис этади. Автор чолни сўзлатар экан, воқеа баёни эмас, воқеаларга чолнинг муносабати, чолнинг шу тобдаги қайфиятлари, драматик ҳолатига алоҳида эътибор беради. Чолнинг ҳикоясидан сўнг гал яна ҳикоячи қаҳрамонга келади, чолнинг ҳикояси ва ҳолати уни ларзага солади. «Баданим титраб кетди. Кўз олдимга Фотима келди. Бир вақтлар Исмоилжоннинг баҳт-мухаббат тўла кўзлари дунёда энг яқин кишиси Фотимага қараб турган шайтларни хаёл кучи билан тасаввур қилдим. Қани ўша кўзлар?..

Чидаб туролмадим, сапчиб ўрнимдан туриб кетдим.

Атрофда баҳор баҳорлигини қилиб куртакларни ялаб гул очиб кетар, гиёҳларнинг қулогига «Уйгон! Уйгон!» деб шивирларди.

Баҳт учун туғилган олиjanоб, метин иродасини ҳеч нарса буқолмайдиган бу хотинни ким ранжитди?! Ким уни мана шумавж уриб турган баҳор нашидасидан бенасиб қилди?! Ким у ботир йигитни, унинг

орзу-умидларини, чиройли юзидағи қопқара холини бир сиқим тупроққа айлантырди?! -- деб ўзимга-ўзим савол бераман ва товуинининг борича «Пўқолсиз уруш!» деб ҳайқираман. Овозим адрларда садо беради. Нанини адрлардан, қитъалардан момақалдироқдек гумбурлаб акс садо қайтади. Эшитиб турибман! Іқулоқ солиниг! Денгиз пўртаниаларидек, саҳро довулларидек ҳайқириқ әштийлмоқда!

Одам боласи урушини қарғаяпти!»

Ёзувчи шу шиддаткор туйғулар ва ўйлар орқали воқеага якун ясайди, ўзининг хулосаларини баён этади.

Умуман ҳикояда драматизм кўни ёқлама йўллар билан ҳосил этилган. Бир томондан, ҳикоячи қаҳрамонининг бош қаҳрамон билан танишуви, унинг қайғиятлари, иккичи томондан чолининг бош қаҳрамон ҳайқидаги ҳикояси ва унинг шу ҳикоя билан бөглиқ бўлган афсус-иадоматлари, учинчи томондан чолининг ҳикояси ва ҳасрати тифайли яна ҳикоячи қаҳрамонда пайдо бўлган қайғиятлар ва хулосалар — буларнинг ҳаммаси жам бўлиб асариниг яхлит бир драмасини ҳосил этади.

Ёзувчининг ҳикоячи қаҳрамон ҳам, воситачи қаҳрамон ҳам йўқ бўлган ҳикояларида лиризм учун имконият бир оз торроқдек туюлади. Бироқ бу хил ҳикояларда ҳам автор асарга лирик элементларни олиб кириш йўлинни топади. Бунда у, қаҳрамон қалбидаги ҳис-туйғуларни ўз тили билан сўзлаб берниш, воқеанинг энг муҳим жойига келгандага уни тўхтатиб кўйинб, шу ҳақда ё

қазі әмои, ёки китобхон билан судбат қишиш каби усулларни қўллайди, лиризм учун йўл очадиган бундай приёмлар айни тоқда асар драматизмини ўткирлаштиришга хизмат ҳам қиласди. Ёзувчи «Мехрибон», «Алта», «Ницбол чироқлари», «Мангалик қиссанаси», «Хотин», «Чинор» ҳикояларида шу приёмлардан кеңг фойдаланига.

«Мехрибон» ҳикоясининг воқеаси шундай: Қундузхон Москвада ўқиб юрган вақтида онаси вафот этади. Отаси поилож бойнига бир аёлга уйланади. Шундай қиласди-ю, аммо бу қиямнининг қизим қандай муносабатда бўлаякан, деган ташвиши билди яради. Қундузхон бундан бехабар. У она догоидаги ўртаниб шакринга келади. Уни бегона бир аёл кутиб олади. Бу ўгай она эди. Бундан воқиф бўлган Қундузхон изтиробга туғади, онага ўгай бола кеки билан қарайди. Бироқ аёл халқ оғзидағи зодум ўгай оналардан әмас, балки меҳрибон бир она бўлиб чиқади. Қундузхон бегона аёлда, ушинг хатти-харакатида ўз онасининг иниқ нағасини ҳис эта бошлиайди.

Шу тариқа ҳикоя ўткир коллизия асосига қурилган. Қундузхонининг изтироби, отанинг ташвиши, ўгай онанинг хижолатлари бир нуқтага жам бўлиб асар драматизмини таъмин этгани, бунинг устига ёзувчининг ана шу уч образ ҳолатидан келиб чиқадиган лирик кечинималари асар драматизмини янада жозибадор қиласди.

Ёзувчи Қундузхонининг Москвадан қайтгач, вокзалдаги ҳолати ҳақида ёзади:

«Гўйқ, дадаси одамлар орасида кўрнима-

ди. Онаси бўлса, албатта чиқарди. Гул тутиб, кутиб оларди. Қизнинг атрофга жовдираб турган кўзлари хомуш ерга боқди. Қиз кўнгли ўксиди.

Не-не орзу-умидлар билан ўстирган фарзандининг балоғат ёшини кўролмаган оналар, фарзандлик қарзини ўтолмай армонда қолганлар қалбини тирнаб келган дарду аламини ифода қилиб бўларниди.

Атрофни қувноқ кулгига тўлдирган мана шу одамлар орасидан Қундузхон бундам иккii йил аввал йўқотган онасининг меҳрибон—мунис сиймосини қидиради. Қани у. кўзи ёриб бир парча этда ўз истиқболини кўролган ва унга баҳт тилаган она! Ёшлик йиллари унинг соchlарини майда қилиб ўриб қўядиган меҳрибон қўллар қани? У энди абадиян йўқликка кетди».

Бу парчада Қундузхоннинг ҳолати ҳақидаги тафсилотлардан кўра ёзувчининг Қундузхон ҳолатидан келиб чиқиб айтгам сўзлари китобхон қалбига чуқурроқ таъсир этади.

Ёки аёлнинг ўгайлиги маълум бўлганда кейин аёл билан Қундузхон руҳияти тасвирини эслайлик.

Унда ёзувчи дастлаб қаҳрамонларнинг драматик ҳолатини чизади: қиз она расмига тикилиб, онасини қумсаб йиглайди, ўгай она эса буни ўз кўзи билан кўриб турди, бундай манзаранинг гувоҳи бўлиш «ўгай», лекин аслида меҳрибон ва ақлли бир аёл учун қанчалик оғир! Сўнг ёзувчи аёлнинг ана шу оғир ҳолатдаги кайфиятини—ички монологини беради. Бу монологда ёзувчи-

нинг «иштироки» борлиги, у аёл тилидан сўзлаётганлиги сезилиб турди. Монологдан кейин ёзувчи ҳолат тасвирига кўчади, аёлга икки оғизгина сўз беради, аёлнинг сўзи билан гапни бас қилади-да, китобхон билан мусоҳабага ўтади. Бу мусоҳабада автор мавжуд ҳодисага бўлган ўз муносабатини китобхонга очиқ баён этади.

Кўрдикки, авторнинг лирик чекинишилари, ҳикоячи қаҳрамоннинг ҳодисага аралашуви, бир томондан, ҳикоялардаги драматизмни кучайтиришга хизмат этса, иккинчи томондан, уларга алоҳида лирик, қисман публицистик тус беради. Аммо адид ҳикояларида лиризмнинг манбай, воситаси факт шулар эмас.

Сайд Аҳмад ҳикояларидаги қаҳрамонларнинг аксарияти, эмоцияга бой, ҳиссиётчан, баъзан асабий кишилар. Автор ҳаётдан кўпроқ бетинч, беором қалб эгаларини қаҳрамон қилиб танлайди, уларни биз ҳамиша ҳис-туйғу оламининг кескин, тараанг дақиқаларида — ё тажанг, ё ўзида йўқ шод, ё ғам-алам, ё роҳат-фароғат оғушида кўрамиз. Ёзувчини биринчи галда қаҳрамоннинг табиати эмас, ҳиссий кечинмалари қизиқтиради. Адид қаҳрамонни китобхонга кескин руҳий ҳолатда кўрсатади-да, сўнгра бунинг сабабларини изоҳлашга ўтади, қаҳрамон характерини, ҳаёт йўлини чизади. Шундай қилиб, Сайд Аҳмад ҳикояларида қаҳрамон характери ва тақдирни жайфиятлар таҳлили орқали берилади. Шунга кўра уларни жайфият ҳикоя деб аташ ҳам мумкин.

«Ўйлар»даги Мехри аянинг ҳолатини эслайлик. У ойдин кечада ҳовлидаги супа устида бир жаҳон бўлиб ётган ўғлига термулганича хаёл сураётир. унинг бошида минг хил ўйлар, қалбида ҳам ташвиш, ҳам қувонч. Бир неча дақиқа давом этган мана шу кескин драматик руҳий ҳолат тасвири орқали биз аёлнинг ўтмиши, севги тарихи, висол лаззати-ю фироқ алангасида куйиб ёниши, отасига тортган ўғли, унинг севги саргузашти — ҳамма-ҳаммасини билиб оламиз. Кампирни ҳаяжонга солган нарса шуки, мана шу ўғли эртага олис, машақ-қатли сафарга отланяпти. Отаси ҳам худди шу ёшда, шу қиёфада жангга отланган эди; у сафардан қайтиб келмади, уруш тӯфони комига тортиб кетди. Шу-шу аёл сафардан кўнгил олдириб қўйган. Ўғли урушга эмас, хайрли сафарга кетаётганини билади, унинг фазокор бўлганидан қувонади, лекин барибир қалбининг аллақаери ҳижрон шарпасидан сесканади. Ёзувчи қаҳрамон қалбida шу хил қарама-қарши туйгулар контрастини ғоят ҳассослик билан шонронга акс эттиради. Кампир кайфияти тасвири сокин табиат манзараси — ойдин туи, улкан чинор фонида яна ҳам ўзгача лирик жозиба касб этади.

«Чеварасининг сурати келандан бери кампир оромини йўқотди. Тошкентга қараб толпиниб қолди. Авжи мевалари гарқ писиб турганда кампир шаҳарда нима қилади, деб қўни-қўшнилар ҳайрон бўлишди. Тап-тап ерга тўкилиб ётган шафтолилар ҳам, сал ҳоли қўйса ғумчук талаб ташлай-

диган нор бувакилар ҳам шундоққина қолди. Кампир эшикка құлға уриб, йулга чиқди.

У поездда ҳам мижжа қоқмади. Чеварасининг суратига қараб гоҳ хўрсинади, гоҳ илжаяди. Суратни кўзларига суртади. Иўловчилик ҳайрон, бир нима дейишга ботинишолмайди. Кампир суратдан кўз олиб деразадан лип-лип ўтаётган боғларга, чўлларга маъюс боқади. Йўзларидан шашқатор ёш оқади...»

«Чевара» ҳикояси қажу  
шундай кескин руҳий | чг ана  
бошланади. Худди «Ўйл: | .ридан  
ана шу кескин руҳий ҳол | каби  
қаҳрамоннинг мураккае | втор  
бир варақлади. Унинг | бир-  
қон ва шонга тў | зоқ.  
Ў етти бола т | на.  
бериб, бир ўзи | қа  
ши билан ҳам. | бо-  
бўлган, одам ўлдириған, .. | ошган,  
сургунга борган, тўрт йил қишлоқ совети- |  
га, уч йил колхозга раислик қилган. Бу |  
азамат хотиннинг қалбига қулоқ солгаи |  
киши суронли йилларнинг бўронини эши- |  
тади.

Бироқ у суронли йилларнинг бўронла-  
рига матонат билан бардош берган, эллик-  
бошининг хиёнати, босмачилар зулми, но-  
расталарнинг ўлимни ҳам унинг қаддини бу-  
колмаган.

Қаҳрамон қисмати билан танишгандан ке-  
йин, унинг кайфиятидаги кескинлик, аса-  
бийлик боиси аён бўлади-қолади.

«Ўйлар» ва «Чевара» воқеа кўламиға кўра эпик ҳикояга ўхшаб кетади, дарҳақиқат уларда қаҳрамонларнинг бутун ҳаёт йўли, тақдирин берилган, катта давр қамраб олинган. Аммо ёзувчи даврни, қаҳрамонлар тақдирини беришда эпик тасвир йўлидан бормайди, воқеани батафсил ҳикоя қилиб ўтирумайди, худди лиро-эпик жанрда бўлгани каби ҳодисаларнинг түркемалари моментларини олади-да, шу ҳодиса тифайли қаҳрамон кўнглида уйғонган ҳиз туйғуларни кўрсатиш билан банд бўлади.

Энди ёзувчининг бошқачароқ характердаги ҳикояси — «Мұҳаббатнинг туғилиши» ни олиб кўрайлик. Бу ҳикояда «Ўйлар» ва «Чевара»даги каби кескин драматик воқеа йўқ, бу ерда қаҳрамоннинг оғир руҳий кайғияти эмас, балки осойншта, қувончли ҳолати тасвир этилади. Осоиншта, қувончли ҳолатлар тасвирида ҳам ёзувчи одатдаги дек ҳиссиётнинг олий, тифиз дақиқаларини танлаб олади. Бир қарашда ҳикояда у қадар жиддий воқеа йўқдек, Омон билан Азиза ўнинчини тугатиб, битирув кечасидан тунда бирга қайтишади, йўл-йўлакай у ёқбу ёқдан гаплашиб боришади ва тинчгина уй-уйига тарқаб кетишади... Сиртдан осоиншта, ножиддий кўринган шу воқеа замрида жиддий маъно, ўзига хос драма яшириниб ётибди. Бу маънони ёзувчи ёш қаҳрамонларнинг қалбидан, ўша хайрлашув дақиқаларидағи кайфиятидан қидиради. Хусусан ёзувчи қиз калбини, унинг навқирон қалбига уйғонаётган сеҳрли севги туйғуси, болалик

билан хайрлашиш. Џ.Гайниш, катта ҳаёт остонасига қадам қўйниш билан боғлиқ ҳислари жараёнини бамисоли сеҳргар каби кузатиб боради. Бу жараён тасвири шу қадар нафис, осойишта бир тарзда бериладики, уни фақат тўлиб турган ғунчанинг очилиши жараёнига қиёс қилиш мумкин. Ғунчанинг очилиши жўнгина туюлса ҳам, бу жуда катта кескин ички ҳаракатнинг самараси: худди шунингдек, ҳикоя қаҳрамони Азиза қалбида севги, болалик билан хайрлашув туйғуси ҳам кескин руҳий жараёнларнинг оқибати тарзида юзага келади; бу жараёнлар эса соғ лириканинг ўзгинаси, уни Белинский сўзи билан айтганда, сўзлаб бериш, оддий инсон тилига таржима қилиш мумкин эмас. Ана шу туйғулар олами билан танишгандан кейин, ҳикоядаги ҳодисани «жўн» деб айттолмаймиз, у ёш қалбда улкан сеҳрли туйғунинг туғилиши ҳақидаги ҳикоядир.

Хуллас, Сайд Аҳмад ҳикояларидағи асосий нарса қаҳрамонлар руҳияти — лирика ҳам, драма ҳам, бинобарин асар ғояси ҳам шу руҳият таҳлилидан келтириб чиқарилади.

Қаҳрамон руҳиятига қизиқиши умуман яхши, лекин унинг маълум хатарли жиҳатлари ҳам бор. Маълумки, кайфият, ҳиссиёт ўй-ақлга қараганда тезкор, ўзгарувчан; бинобарин, ҳиссиётдаги ўзгариш ҳеч қандай характердаги туб ўзгаришга тенг келломайди. Сайд Аҳмад кўпроқ ҳиссиёт таҳлили билан банд бўлганидан баъзан қаҳрамонлар ҳаётидаги кескин бурилиш етар-

ли далилланмай қолади. Хусусан, бу ҳол олижанобликни, қаҳрамонлардаги жасоратни кўрсатишга бағишланган ҳикояларида аниқ сезилади. Худди шу тур ҳикоялар хусусида адабий танқиднинг кўпроқ эътиroz билдириши тасодифий эмас. Мисоллар келтирай:

«Иқбол чироқлари»даги ошиқ-маъшуқлар — Самад билан Иқбол бир-бирови учун жонларини беришга ҳам тайёр, Самад Иқбол бошига мусибат тушган, кўзи ногирон бўлганда ҳам севгисига содиқ қолади. Лекин қиз Самаднинг ўйламайроқ айтган бир оғиз сўзидан қаттиқ хафа бўлиб кетади-да, ундан юз ўгиради... Биз қаҳрамон руҳиятидаги маълум муддатли жараёндан огоҳ бўламизу, унинг феъл-авторидан, аслида қанақа одам эканидан бехабар қоламиз.

«Кўзларида ўт бор эди» ҳикоясидаги эрхотин Мутал билан Эътибор узоқ йил тотув ҳаёт кечирди, лекин оилада фарзанд йўқ, бунга хотин айбдор; шунда аёл эрига бўлган меҳрининг кучини кўрсатиб қўймоқчи бўлади, ҳиссиёти жўш уради. Эр кўнглини совитиш учун ўзини бадном қилиб кўрсатади-да, уйдан бош олиб кетади. Мутал ноилож бошқа аёлга уйланади, фарзанд кўриб кўзида баҳт учқуни чақнайди, буни кўрган Эътибор қувончдан энтикади...

«Жасорат»да маъшуқа Зебо сил қасалига дучор бўлиб қолган ошиқ йигит Раҳимжонни ташлаб кетади, шунда бешқа бир олижаноб қиз Гулсум маъшуқанинг қилмишидан қаттиқ ғазабланиб, йигит холига беҳад ачиниб унинг ҳузурига кўмакка боради.

ўқишини ташлаб, ота-она ҳөҳишиңга қарши чиқиб, ўзининг соғлигини, ҳаётини ўртага қўйиб йигит билан бўлишга қарор қиласди..

Ҳаётда шу хил олижаноб одамлар топилади. Аммо бу ҳикояларда далил-исбот етарли бўлмаганидан, автор туйғулар түфёнигагина қараб ҳукм чиқаради. Натижада қаҳрамонларининг ижобий деб талқин этилаётган хатти-ҳаракатлари китобхонда беандишлик билан қилинган ишдек таассурот қолдиради.

Ёзувчи хусусан севгида, оилада мұваффақиятсизликка учраган кишилар ҳолати, изтироғини беришда жудаям ошириб юборади. «Зумрад», «Алла», «Баҳор сувлари», «Камалак» каби ҳикояларда худди шу хил ошириб-тоширишлар ҳодисанинг табиийлигига анчагина путур етказган.

«Асар қизиқарли бўлиши учун аввало унда бир фикр ҳукмронлик қилиши зарур, лекин бунинг ўзи камлик қиласди, бунинг учун у бошдан-оёқ ягона туйғу билан сугорилгай бўлиши керак», — деган эди Лев Толстой.

Ёзувчи Сергей Воронин бу фикрни давом эттириб, уни ҳикоя жанрига шундай тадбиқ этади: «Ҳақиқий ҳикоя учун фикр ҳам, қаҳрамон характери ҳам ҳали етарли эмас. Бунинг учун ҳикоянинг китобхонда бетўхтов ассоциация қўзғатиб турувчи ўз интонацияси, ҳиссий оҳангни бўлиши лозим; бусиз ҳақиқий санъат йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас».¹

¹ Сергей Воронин. Думы о жизни. М., 1968, стр. 62—63.

Сайд Аҳмад ҳикоялари бу жиҳатдан кўнг устунилларга эга. Авторнинг ҳодисаларга бевосита аралашуви, лирик-публицистик чекинишлари, қаҳрамонларининг ҳиссий оламига зўр берилishi — буларнинг барчаси унинг ҳикояларига алоҳида лирик оҳанг бахши этади, бу эса айни вақтда ҳикояларнинг мусиқийлигини ҳам таъмин этади.

Сайд Аҳмад бир суҳбатда ҳикоячилик тажрибалари ҳақида гапириб: «Мен ҳикояни узоқ вақт кўнгилда пишириб юраман-да, бир ўтиришда, бир зарб билан ёзиб тугатаман. Ҳикоя ёзаётганимда ҳамиша ҳаёлимдан бирор куй ўтиб туради, ҳикояни шу куйга мослашга иштиламан», деган эди.

Сайд Аҳмад тажрибасига — ҳикояни бир ўтиришда, бир зарб, бир хил қайфият билан ёзишига атоқли ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор ҳам ижобий баҳо берган, бу унинг ҳикояларидаги поэтик яхлитликнинг қалити, деб атаган эди.

Адабнинг кўп новеллалари бирон лирик күйини эсга солади, «Кўклам тароналари», «Хазина» каби ҳикоялардаги воқеалар ана шу куй жўрлигига ҳикоя қилиниади.

Автор асарга ҳиссий сўҳанг бахш этишининг бошқа воситаларидан ҳам самарали фойдаланади. Унинг қаҳрамонлари бевосита табиат қучогида, тоғларда, яйловларда, чўлларда, бояларда, кенг далаларда кўринадилар, улар кенгликка, уфқларга талпинадилар. Сайд Аҳмад она табиатнинг мафтуми, ёниқ куйчиси каби иш кўради, хусусан олтин водний — Фаргона маиззаралари зўр меҳр, самимият билан мадҳ этилади.

Унинг ҳикояларида қўйлам таровати, са-  
ратон ҳарорати, олтин кўз саховати, тиниқ  
тонг, сўлим кечалар нафаси барала уфуриб  
туради: юлдузлар чарақлаган осмон, ё ҳи-  
лол, ё тўлин ой, кўм-кўк қирлар, қип-қизил  
лолага бурканган адирлар, икки тарафида  
адт тераклар саф тортиб турган азамат йўл-  
лар, чинорлар адаб ҳикоялари учун гўё деко-  
рация ролини ўтайдилар; тунлари эсадиган  
ёқимли чўл шамолининг ғир-ғири, осмонни  
тилка-пора қиласган момақалдироқнинг гўмбу-  
ри, ёғаётган ёмғирнинг шитири, дарёнинг шо-  
виллаши, қиргоққа санчиётган сувнинг  
шалоилаши, синкага солнигаи докадек кў-  
кимтир осмондан учиб ўтаётган туриалар-  
нинг қуре-қурси, қушларнинг чуғур-чугу-  
ри, қурт-қумурсқаларнинг чириллаши —  
барчаси барала эшитилиб туради; адабининг  
гул, гиёҳ аралашмаган ҳикоялари кам, ҳат-  
то у гул ҳақида туркум ҳикоялар яратган.  
гул, гиёҳ аралашган жойда ёқимли ҳид та-  
ралади, бу ҳиддан китобхони кўигли яйраб  
кетади.

## ҚУВНОҚ ҚАХҚАХА

Езувчи ижодида ҳажвий асарларнинг юмористик йўналишнинг салмоғи катта. Ўттиз йилдирки, у ҳажвиёт билан тинимиз шугулланади. Шу йиллар давомида у юздан ортиқ ҳажвий ҳикоялар яратди; ҳажвчилликда катта тажриба тўлади.

Саид Аҳмад ҳажвиётда Абдулла Қодирӣ билан Ғафур Ғулом традицияларини давом эттиргди, Абдулла Қаҳҳорга эргашди, айни вақтда у ўзига хос услуб яратди.

Саид Аҳмад асарларида кулгининг ҳамма тури – қувноқ ханда, енгил табассум, беогор ҳазил-мутойибдан тортиб киноя-кесатиқ, масхара ва ғазабли қаҳқаҳагача – барчаси бор. Аммо Саид Аҳмад кулгиси, асосан юморист кулгиси, Саид Аҳмад – қувноқ, ҳазилкаш ҳажвчи, унинг ҳажвияларидаги кулги аввало қувноқ кулги. Бу ҳол ёзувчи услубидаги лирик йўналиш билан алоқадор. Ёзувчи табиатан лирик бўлганидан ҳажвиётда ҳам лириклигича қолади, ҳажвияларида ҳам лирик жўшқинлик сақланади. Шунингдек, ёзувчи табиатан юморист бўлганидан бошқа асарлари ҳамиша қувноқ кулги, ҳазил-мутойиба билан йўғрилган.

Санд Аҳмад ҳажвиётда кўпроқ ҳодиса ва характерларни фавқулодда дараражага кўтаради, ҳикоялар сюжетини кўпинча кутилмаган ситуациялар асосига қуради ва шу орқали қувноқ қаҳқаҳа ҳосил этишга интилади.

Ҳажвиётда кенг тарқалган бу усулиниг маълум шартлари бор. Асарда келтирилган фавқулодда ситуация ҳаётнй заманига эга бўлмоги, ҳаётдаги бирор муҳим, кулгибон тенденциянинг моҳиятини очиб бернишга қаратилган бўлмоги лозим. Шу шартга риоя этилган тақдирдагина у ўзини оқлай олади.

Шуниси характерлики, юморист ёзувчи ҳаётдаги аҳамиятли, типик ҳодисаларга қўл урганда унинг кулги ва муболагалари ҳам табний чиқади.

«Гувала» ҳикоясидаги ҳодиса бир қарашда тасодифий. Политехника мактаби директори катта минбардан туриб, роса аравани қуруқ олиб қочади. Таълим устахонаси бўлмаган мактабда «ички имкониятларни ишга солиб» политехник таълимни тўла йўлга қўйиб юборгани — ўқувчилар гишт қушиш, гувала ясаш, кир ўра қазиш, кўрпа қавиш, ҳовли супуриш, бола опичлаш, ўтии ёрини каби ишларни адо этаётгани, кассирлик, сартарошлиқ каби касбларга ўрганаётгани, ҳаммомга бориб ходимгарлик, гўристонга бориб гўрковлик ва ғассоллик ҳунарларини эгаллаётгани ҳақида гапиради.

Автор муболагани яна бир погона оширади: «Шу пайт чой олиб кирган чол луқма ташлади:

— Умрингдан барака топ, болам. Мен

ҳам қариб қолдим. Айниқса, обед пайтида чойхўрлар шошириб қўйишияпти. Ўқувчи белаларингдан менга ҳам чой ташийдиган шогирд бер».

Ўтирганлар орасида ғала-ғовур бошланади, директорга илтимос ёғилди. Улар райондаги турли ташкилотнинг вакиллари, улар ҳам «текин ишчи кучи»га муҳтоҷ. Ўларнинг назаридаги мактаб «текин ишчи кучи» мапбани:

«— Чорраҳани асфальт қилишга ишчи кучи стишмаяпти. Йигирмата бола юборинг.

— Саксовул складига қирқ бола.

— Күшхонага қўй ҳайдаб келиш учун ўн беш бола.

— Туғруқхона деворини оқлашга олти бола.

— Ӷшхоналар трестига карам тузлаш учун ўн бола.

Шу пайт қўлида портфель билан ўн тўртинчи мактаб завхози кириб келди. Унинг айти-башараси қоп-қора эди.

— Ўртоқ директор, ўн уч машина кўмир олиб келдим. Шоферлар дод деб миямин ачитиб юборишиди. Илмий мудирингиз учинчи класс болалари тушириб беради, деяпти. Бўлмайди, ўнинчи билан тўқиизинчига рухсат берсангиз».

Ҳаётда айни шундай ҳодиса бўлганлигига кафиллик бериш қийин, бироқ унда ҳақиқат бор. Ҳикояни ўқиганда яқин ўтмишда мактаб ҳаётида бўлиб ўтган ҳодисалар — мактабни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш шиори остида қилинган машмашалар ёдга тушади; ситуация ҳаётий заминга эга бўл-

гани ва жиiddийлиги сабабли авторнинг му-  
балағалари, ошириб-тоширишлари ҳам  
ўқувчига сира эриш туюлмайди, китобхон,  
орқада қолиб кетган бу машмашалардан  
киноя билан ҳузур қилиб кулади.

«Музикали воқеа» ҳажвиясига ёзувчи  
буидан ҳам шартли, латифанамо бир ҳеди-  
санни асос қилиб олади.

Район театринг собиқ күшхона директори  
нинг хўжалик ишлари бўйинча ўринбоса-  
ри директор қилиб тайинланган. Янги ди-  
ректор театрдаги аҳволни кўриб ажаблана-  
ди: «Одам кам. Дирижёр тескари қараб  
ҳадеб таёқчасини ўйнатарди.. Фақат гижак-  
чигина камон тортар, чилдирмачи ҳар за-  
монда бир «так» этиб чертиб қўяр, карнай-  
чи эса бир четда мудраб ўтирадар эди». Бунин  
кўрган директорнинг зардаси қайнаб кета-  
ди, артистларга ўшқиради:

«—Бу қанақаси, ухлагани келганимисиз-  
лар, қани ҳаммангиз бараварига чалинг.  
Мунақада қачон молия плани тўлади. Уял-  
майсизларми, ҳамма ишини битта гижакчи-  
га ташлаб қўйгани. Бугундан кейин ҳар  
қайсингизга норма белгилаб қўяман.  
Ёнингизда табелчи ўтиради. Ким қанча чал-  
ганини алоҳида ҳисобга олиш керак...»

Директор бу ердаги вазиятни күшхонада-  
ги аҳвол билан таққослагандага муболага  
яна авжига чиқади: «Бизнинг күшхонада  
цехга битта мол келса ҳамма баравар ёпи-  
шар эди. Бирининг қўлида пичоқ, иккинчи-  
сида болта, учинчиси шоҳидан тутади. Ҳа-  
ҳу дегунча молининг калла-почаси ажратиб  
олинади. Бу ерда-чи, тартиб йўқ». Артист-  
лар нотапи рўкач қилиб биз композитор

айтганини қиласиз деганида директор: «Бу қанақаси, бу ерда композитор директорми, меними? Композиторнинг буйруги бекор қилинади» дега дағдага қиласи, чолғувчиларни квартал илани түлгунча ёппасига чалишга даъват этади.

Ходиса шу қадар муболағадорки, ҳаётда ҳеч ким бунақангисини учратмаган бўлса керак. Бироқ автор муболагалари заминидаги жон бор. Бир вақтлар ўзига алоқадор бўлмаган соҳага бош суқиш, кадрларни ўз ўринига қўймаслик, санъат ишларига билиб-билимай аралашиш, санъаткор олдига ўринисиз талаблар қўйиш ҳоллари анча кенг ёйилган эди, шунақа ҳодисалар ҳали ҳам учраб туради. Автор шундай ярамас иллатларни ҳажв имкониятларидан фойдаланган ҳолда фавқулодда даражага кўтаради.

Шуни ҳам айтиш керакки. «Гувала», «Музей» ҳажвияларидағи кулги характер кулгиси эмас, ҳодиса кулгиси. Ҳикояларда персонажлар иштирок этса-да, уларнинг афт-ангори гира-шира кўзга чалинади. Ҳажвиётда кулгининг шундай йўли мавжуд бўлса ҳам, бу у қадар мақбул йўл эмас. Умуман адабиётда бўлганин каби ҳажвий асар асосида ҳам инсон ва унинг характери тургани, кулги асосан характер моҳиятидан келиб чиққани маъқул. Моҳир сатирик Абдулла Қодирий «Адабиётда бир неча хил кулги йўллари бўлса ҳам... лекин энг мўътабари характер кулгисидир», деб ҳақ гапни айтган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. Т., 1969, 187-бет.

Езувчи бир қатор ҳикояларида күлгининг ана шу турини қўллашга, күлгини бевосита персонаж хатти-ҳаракати, ҳолати ва табиатидан келтириб чиқаришга ҳаракат қиласди. «Музинкали воқеа»да шунга интилиш бор. Лекин ҳали у қиёмига етган эмас, ундаги персонаж характер даражасига кўтарилган эмас, ҳозирча у күлгили ҳодисанинг шунчаки ижроиси холос.

«Собиқ» ҳикоясида автор бир ногона исқори кўтарилади: ҳикоя қаҳрамони табиати ижобий шахс. Унинг муддао ва интилишлари ҳам холис. У зангори кема капитани, илғор механизатор. Машинада тошнаб пахта териб донг таратади. Эл оғзига тушади. Шундан кейин қизиқ ҳангомалар бошлиниади, гўё йигит машъал бўлиб порлайди-ю, нарвоналар қўриловида қолади. Энди терим, машина бу ёқда қолиб, радио ва телевизорда чиқиши, мухбирлар билан сухбатлашиши, кино ва «суратга туриб берини» каби вазифаларни адо этишга тушиб кетади. Кенгашга борадиган ҳам шу, яниги қўрилган маданият уйиннинг очилши маросимида нутқ сўзлайдиган ҳам шу, районага келадиган атоқли полボнии кутиб оладиган ҳам шу, ёши дружиначилар билан сомса-пазликни текширадиган ҳам шу, пионерлар, медициниа ходимлари, мебель фабрикаси илғор ишчилари билан учрашувларга борадиган ҳам шу-- илғор механизатор!

Шуниси ҳам борки, асадаги кулги бевосита персонаж хатти-ҳаракатидан келтириб

чиқарилган бўлса ҳам, ҳали у тўлақонли характер даражасига кўтарилиган эмас. Бунинг боиси шундаки, автор ҳикояда ҳаёт ҳодисаларини персонаж хатти-харакатига кўчира олгану, унинг қалбига олиб киролгани йўқ; адаб ташқи зиддиятлар тасвири билан свора бўлиб кетиб, персонаж психикасидағи зиддиятларни эътибордан четда қолдиди. Персонаж ёзувчи назарда тутган ҳаёт зиддиятларини ўзида тўлиқ ва индивидуал тарзда мужассам этолмагани сабабли, иллюстратив характер касб этиб қолган.

«Катайса» ҳикоясида ёзувчи бундай камчилликни бартараф этишга уринади. Бу ҳикоянинг қаҳрамони ҳам «Собиқ» қаҳрамони каби кетма-кет кутилмаган, фавқулодда вазиятларга дуч келади, қаҳрамониниг иштилиши билан вазият орасидаги зиддият сўймас қаҳқаҳаларга сабаб бўлади. Ҳикоядаги ҳодиса драматизмга жуда бой. Автор ҳодиса драматизмини қаҳрамон қалbidаги зиддиятлар билан узвий bogliq ҳолда тасвир этади. Ҳикоядаги кулги—чиндан ҳам характер кулгиси. Қосимжон образи такрорланмас индивидуал шахс. Асар гояси ҳам, ундаги қаҳқаҳалар ҳам бевосита шу одамнинг табиатидан келиб чиради. Бек эса бамисоли аждаҳо, оғзига рӯшара келгани ҳамма нарсани ютишга тайёр. У ишоятда маданиятсиз, таъмагир бир кимса. Бу унинг ўғлига, хотининг ва меҳмонинг муносабатидан яққол кўрининб туради. Фариштадек кўриниган Қосимжондаги қусур униқидан ошиб тушади. У Бекнинг

аждаҳолигини била туриб, унинг олдида ҳар мақомга тушиб йўргалайди, бошлиқ-нинг кўнгли деб ўз кўнглига зид ҳаракатлар қиласди, нафсониятни бой беради. «Собиқ» қаҳрамони ноқулай вазиятга тушиб қолган ижобий шахс сифатида талқин этилса да, қаҳрамон исламизми эътибордан четда қолгаилиги туфайли унинг шахсияти, индивидуал қиёфаси хира, унинг қанақа одам экани ҳакида узил-кесил ҳукм чиқариш қийин. «Қатайса»да эса китобхон чуқур психологик таҳлил туфайли қаҳрамонни яхши таниб олади.

Агар характер кулгиси қулгининг энг юқори тури саналса, аналитик тасвир комик тасвирининг энг юксак туридир. Улкан санъаткорларнинг барчаси ҳажвиётда аналитик тасвир йўлидан борганилар, уларнинг асарларида ҳаётдаги, характерлардаги уёки бу кулгубоп моментлар шунчаки тавсиф этиб қўя қолинмайди, балки бу қусурларнинг можияти чуқур таҳлил этилади, уларнинг маибалари очиб ташланади. Чунончи ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий, Гафур Гулом ва Абдулла Қаҳҳорининг энг яхши ҳажвиётарида шундай қилинган.

Санд Аҳмад кейинги пайтларда тасвир маданийтини ошириш устида бош қотиряпти; унинг асарларидаги комик персонажлар тасвирида аналитик усул қўлланяпти. Бу нарса «Қатайса»да қисман, «Менинг дўстим Баббаев» номи бошқа бир ҳажвиёсида эса анча равшан кўриниади.

«Менинг дўстим Баббаев» ҳикоясининг қаҳрамони Неъмат асар бошида инҳоятда

дилбар бир шахс тарзида берилади. У қўни-қўшилари, дўсти, биродарларига меҳрибон, мумомалада қувноқ, самимий. Ниша бўлади-ю, бу одам директорликка кўтарилади, одамнинг жонидек бўлган бу йиғит орқаси стулга тегини билан бошқача тусга киради қолади, ўта расмиятчи, бюрократга айланади.

Неъмат илгари директор бюрократ, лақма, қўпол деб сўкарди, энди ўзи шу куйга тушиб қолган; илгари дўстининг таклифи ни кўкка кўтариб мақтарди, шу дастгоҳ битса завод минглаб пулни шўтисод қилади, дея лофт урар, таклифиниг амалга ошмаётганига куйиб-ёпарди; энди эса ўзи унига қаршилик қўрсатади.

Характердаги бу кутилмаган кескин ўзгариши ҳикоядаги комизмининг маибани. Автор шу фавқулодда ўзгаришини қайд этиш, китобхонини кулдириш билан чекланмайди, бу ўзгаришининг сабабларини очишга интилади. Маълум бўлишича, Неъмат раҳбар ходим албатта жиддий гапириши шарт, кулиш, ҳазил қилиш раҳбар обрўсини тўқади деган ақидага амал қиласкан, у дўстининг ихтиро таклифини рад этар экан, эҳтиёткорлик юзасидан шундай қилади, «агар лойиҳани амалга оширадиган бўлсан, албатта ўз ўртоғини қўллаяни дейишади» деган андишага боради. Дўсти аввалги гапларни эсга солганда: «Ташқаридан қараганда ҳаммамиз ҳам шунақа деймиз. Йавобгарлик бўйнимизга тушганди ўйлаб қоламиз», — деб жавоб беради.

Сайд Аҳмадин қувноқ, ҳазиликаш ҳажвчи

деб эдик. Шунинг учун ҳам унинг ҳикояларидағи ўтқир ғазаб, кескин танқид ҳамиша енгил ҳазил, қувноқ кулги билан йўғилиган бўлади.

«Менинг дўстим Баббаев» ҳикояси қаҳрамонни характеридаги иллат хийла жиддий. Маълумки, Чеховнинг «Филоф бандаси» ҳикоясида шу хил қусур қаҳрамонни фожиага мубтало этади, автор ҳар нарсадан ҳадисировчи Беликовни аёвсиз фош этади. Сайд Аҳмад ҳикоясида ҳам фош этиш бор, аммо хийла енгил. Бу ерда қаҳрамондаги қусур фожиа даражасига бориб етмайди: Сайд Аҳмад қаҳрамонни одамийликдан бутунлай чиқиб кетмайди, қусур жиддий бўлса ҳам, барибир у одамийлигини сақлаб қолади.

Дўстлар бояги кескин тўқнашув, жиддий вазиятдан сўнг яна учрашади.

«Кечқурун Неъмат яна термос кўтариб тушди. Мен унинг олдига бориб, мумкинми ўтирсан, ўртоқ Баббаев, дедим.

— Отимин айтсанг ўласанми. Утиравер, — деди.

— Ахир боя заводда кабинетнингда...  
Неъмат илжайди.

— У завод, бу кўча, уй. Хўш, соғлигинг яхшими, ғалати тарвуз олиб келдим, холодильникка тиқиб қўйибман ҳозир чиқиб қотирамиз...»

Бояги ҳолатга бутунлай эид бўлган бу вазият ҳикоядаги жиддий ритмикани бошка изга солиб юборали, китобхонда қувноқ бир кайфият уйғотади.

Сайд Аҳмад кулгисининг бу хусусияти

исботи учун яна бир тақіс көлтирайлик. Ёзувчининг тенгсиз никоҳ ва унинг кўнгилсиз оқибатлари ҳақида баҳс этувчи «Лаъли бадаҳшон» номли ҳажвияси бор. Унда ҳикоя қилинишича, олифта, танноз Лаъли ўзи тенги йигитларни назарга илмай, обрў, мол-дунёга учиб етмиш саккиз ёшли тепакал, қадди букик бир чолга эрга чиқади. Аёл эрни ўз капатасига солишга уринади. Хотин қўнгли учун чол эгнига тор шим кияди, бўйнига ўпкадек қип-қизил галстук осади, тепа тарафида сочи бўлмаса ҳам ён томонига ишониб чаккасидаги попраткасини устаранинг тифидек учли қилдиради. Ҳуллас, куёв яшариш учун ҳамма чорани ишга солади. Эрталаб туриб радионинг қулогини бурайдиган, жисмоний тарбияни охиригача адо этиб, токнинг зангидек бужмайиб қолган бўйинларини ҳўл сочиқ билан аввал кўкариб, кейин қизариб кетгунча ишқайдиган бўлади...

Ҳикоядаги ҳодиса жиддий. Эрининг ҳам, хотиннинг ҳам қилмиши ахлоққа бутунлай хилоф, уларнинг ёшига ярашмаган қиликлари чиндан ҳам кескин ҳажвбоп. Шу хил ҳодиса Абдулла Қаҳҳорнинг «Тўйда аза» ҳикоясида ҳам акс этган. Абдулла Қаҳҳор ҳодисага жиддий ёндашади, гайри ахлоқий хатти-ҳаракат йўлига тушган кимсани «тошни тешадиган бир ғазаб» билан фош этади; ҳикоядаги кулги фожиага айланиб кетади, қалтис қўйилган қадам қаҳрамонни ҳам маънавий, ҳам жисмоний фожиага олиб боради. Саид Аҳмад ҳикоясида ҳам фош этиш, ғазаб, киноя-кесатиқ бор, лекин

«Тўйда аза»даги тарзида эмас, ҳолат жиддий бўлса ҳам оқибат, ҳодисага муносабат ўзгача; ёзувчи ҳикояни қалтис бир ҳазил билан яқунлайди: чол билан келин машинада кетаётганида галати ҳодиса юз беради, чол йўл четида олазарак бўлиб турган чиройлигина жувонин кўриб машинадан тушади, у билан мириқиб ҳасратлашади: келин буидан безовта бўлади, қалбида рашк ўти аллангаланди, кейин маълум бўлишича, бояги аёл чолнинг невараси экан, йигирма икки ёшли Лаълихон эллик яшар ўгай неварасини таниб олади...

Ёзувчи айрим ҳикояларида қизиқ бир приём қўллайди. Аввал бирор жиiddий салбий ҳодиса ёки салбий характер ҳақида гапиради, сўнгра воқеа ривожида кескин бурилиш ясайди, салбий ҳодиса багрида ижобий ҳодиса тугилади, салбий характер бирдан ижобий туслга киради.

«Қайсар» ҳикояси қаҳрамонни Жўума ота ҳаётида гоят кўнгилсиз ҳодиса рўй берган. Ота ўлим тўшагида ётибди. Доктор кўриб чолдан умид йўқлигини айтади. Бу гапни чол эшитиб қолади, докториниг гапи, айниқса камнирга тайёргарлигини кўриб қўйинг, дегани уни ларзага солади. Чол тайёргарлик кўриш нималигини билади, камбагал бўлсанг кўчилб кўр, бой бўлсанг ўлиб кўр деган гапни яхши тушунади. Ўлиш осон эканиш! Йигирма кундан бери ана кетаман, мана кетаман деб ётган чол докториниг гапидан кейин ўйга, ҳаракатга тушади, бадани қизиб қони юришиб кетади. Ўлим васвасаси бу ёқда қолиб, кампи-

рини олдига ўтқазиб олиб, ўлим ҳаржини ҳисоблашга тушади:

«— Хўш, ўлган куним унча ҳаражат бўлмайди. Ўлимлик пулимдан уч кило чой оласан, йигирма бешни гўрковга берасан, кафаалигим бор. Ҳар якшанба, пайшанба куни маҳалладан етти саккиз киши кириб қуръон ўқиб, ош еб кетади. Еттимда ош дамлайсан, ион ёптирасан, йигирмамда қўй сўйиб ош дамлайсан, етти маҳалланинг мачитидан одам келади. Ундан кейин қирқим бўлади. Бунда ҳам катта ҳарж бўлади. Катта қичик ҳайитим, ифторлигим, йиллигим, қорёғдим, гули сурхим бўлади.. Хўш, шуларга бир ишманг борми?»

Чолни ташвишга солған нарса шу. Чол камнирига ачинади ва бу йилча ўлмай туришга қарор қиласди. Автор ёзади: «Чол болалигидан бир сўзли эди. Бу гал ҳам гапидан қайтмайди. Мана, кўрарсиз, у ўлмайди». Оқибат ҳикоячи кутганича бўлиб чиқади: «Айтдим-ку, чол қайсар одам деб. Ўлмапти, кечак унинг самоварда гап сотиб ўтирганини ўз кўзим билан кўрдим».

Хуллас, ёзувчи қўнгилсиз ҳодисани ҳам яхшиликка буриш йўлини топади, вазият ўнгарилади, ўлим чекинади, қаҳрамон ўлиш ва қўмиш ташвишларидан халос этилади, қўнгилсиз ҳодиса, оғир ташвиш ўрнида қувноқ қаҳқаҳа янграйди. Гарчи ҳикоя ўлим ва ғам устидан тантана, қувноқ қаҳқаҳа билан якуплансада, ундаги тақиқиданинг тифи ўз ишини қилаверади: қаҳрамон ўлимдан воз кечган экан, бу бир жиҳатдан ҳикояга қувноқлик бахши этса,

иккинчи жиҳатдан, ўлимдан ҳам оғирроқ туюлган эскича одатларга зарба бўлиб тушади.

«Ихтиро» ҳикоясини олинг. Ҳикоя қаҳрамони кекса артист Латиф Ибодов асар бошида нуқул салбий сифатлар эгаси тарзida кўринади. Унга ижобий деб тақалган сифатлар ҳам киноявий. Театр колективи уни пенсияга кузатмоқчи, тўғрироғи, ундан бир илож қилиб қутулмоқчи. Ахир Латиф Ибодов театрга келганига ўттиз тўрт йил бўлган бўлса бирон оғиз гапирганини ҳеч ким эшитмаган, у ҳамма вақт массовкада чиққан. Дўсти Мирзахон уни шундай таърифлайди: «У шу ўттиз тўрт йил ичидаги саксон олти марта дорга осилди. Юз ўн икки марта калласи кесилди. Эллик етти марта оёқ-қўлига кишан урилди, менинг ўзим тахминан юз эллик марта қамчиладим. Шунча кўргиликларни кўриб ҳам Латифжон бирор марта фиринг, деб овоз чиқазмаган».

Ўтирганлар сўзлар қисқароқ бўлишини, кузатув мажлиси тезроқ тугашини истайди. Ибодовнинг театрдан кетишига ҳамманинг ишончи комил. Шу пайт вазият бирдан ўзгаради, ҳамманинг кутганига қарши Мирзахон Латифжонни пенсияга чиқазишни тўхтатиб туришни, ўттиз тўрт йилдан бери ғиринг деб оғиз очмаган бу одамга гапирадиган биронта роль беришни илтимос қиласди. Мирзахоннинг сўзи ўтади. Ўттиз тўрт йилдан бери саҳнада замбил кўтариш, хонларни елпиш, ўлиш, отилиш, осилишдан бошқа иш қилмаган Латифжонга, Солих-

бой ролини ўйнаш топширилади. Кутилмаган ҳодиса рўй беради. Одамларнинг на-зарида лаёқатсиз кўринган бу одам ўзини кўрсатади. Қаҳрамонда яшириниб ётган истеъдод бирдан юзага қалқиб чиқади. Бундан автор ҳам ажабланади, ҳам қувонади.

«Оббо Латифжон тушмагуре, қуийиб қуй-гандек бойнинг ўзи бўлди-қўйди. Ҳар сўзда чапак, ҳар пардада одамлар ўринлари-дан туриб кетиб, парда ёпгани қўйишмайди.

Пенсия ҳам келган жойида тўхтади-қўй-ди. Латиф Ибодов шунча йилдан бери дорга «осилиб», «отилиб», «сўйилиб» юрган бўлса. артистлигининг ўттиз бешинчи йилида ўзи одам «ўлдирадиган», дорга «осади-ган», «чопиб» ташлайдиган, «отиб ташлай-диган» бўлди».

Ёзувчи шу заҳоти бу гапларга изоҳ беради:

«Бу албатта ролда.

Саҳнанинг пастида бунақа ишларни қила-диганнинг боши ўнта!»

Бу эпизод ҳикоядаги қувноқ қаҳқаҳани яна бир парда юқори кўтариб юборади.

Юқорида биз ёзувчи мұваффақиятлари-ни, ҳажвчи кулгисининг баъзи ўзига хос томонларини кўрсатиш билан баробар, унинг ижодида дарҳол кўзга чалинавермай-диган айрим қусурлар устида ҳам йўл-йўла-кай гапирган эдик. Санәд Аҳмад ҳажвиётида тағин шундай камчиликлар учрайдикি, улар устида алоҳида тўхташга тўғри келади.

Езувчи айрим ҳолларда материал танлашда адашади, ҳаётдаги ўткинчи, ҳарактерли бўлмаган ҳодисалардан ҳикоя ясашга, кулишга арзимайдиган икир-чикирлар устидан кулишга уринади. Чунончи, «Чемпион», «Отпуска», «Товуқ тилини биладиган одам» ҳикояларидағи ситуациялар кулгили — улардан бирда эҳтиётсизлик оқибатида кийинм-бошидан ажралган одам физкультурачи қиёфасида уйига қайтади; иккинчисида қаҳрамон отпуска пулинин тўёналарга харжалаб қўйиб саёҳатдан маҳрум бўлади, учинчисида ичувчи эр хотинидан яшириб тухум ютади... Бу кулгили тасодифларнинг ҳаёт билан алоқаси запиф, улардаги тасодифлар ҳаётдаги бирор мухимроқ салбий ҳодисанинг моҳиятини очишга хизмат этмайди, бу ҳикоялар фақат қизиқчиликка -- китобхонини кулдириш учунгина ёзилгандек кўринади. Ҳажв тиги арзимас икир-чикирларга қаратилганидан ундаги кулги ҳам сунъий ва бачканга чиққан.

Санд Аҳмад ҳаётдаги кулгили деталлар. қизиқ ҳангомаларни топишга уста, бироқ шу ноёб топилмаларни қоғозга туширишга келганда кўпинича шоишқалоқлик қиласди, фактларни шундайнича кўчириб қўя қолади.

«Галаба» ҳажвиясидаги факт чиндан дам ҳажвбоп. «Саҳнада йигирма тўрт артист. Залда ўн саккиз томошабин. Пьеса бўйича томоша охиригача уч артист ўлди. Тўрт томошабин ухлаб, ўн бир томошабин кетиб қолди.

Учу ўн беш ҳисоби билан томошабинлар тўла ғалаба қозонишиди».

Бу латифанамо ҳодисадан яхшигина ҳикоя чиқариш мумкин эди; дарвоҷе, ёзувчи-нинг аввалроқ яратган «Бир юз етмиш сўмлик хуррак» ҳажвиясига худди шу хил материал асос бўлган эди.

«Янги қўшини» ҳажвиясидаги ҳодиса ҳам кулгили: сут ташувчи машина шофери қамоққа олиниди; маълум бўлишича, шофер сутни аввал шаҳарининг паст-баланд кўчаларида иккни айлантириб уйига олиб келаркан, йўлда чайқалган сут худди сепаратордек қаймогини ажратиб юзага чиқариб бераркан, шофер иккни-уч челяк қаймоқни сузиб олиб кўм-кўкнина сутни дўконга топшираркан.

Бор-йўқ гап шу. Факт фактлигича қолган, ҳали у чинакам ҳажвия даражасига кўтарилмаган.

«Хуррак» ҳажвиясида шундай воқеа ҳикоя қилиниди: ҳикоя қаҳрамони Калонхўжаев ўринбосари Мўминовни кечаси хуррак отиб уйқу бермагани учун ишдан бўшатади. Бу ҳажвияда фактга бир оз сайқал бериш бор, бироқ фактнинг моҳияти тўла очилган эмас, фактга салмоқдор гоя сингдирилган эмас, бинобарин, у бадий ҳақиқат даражасига кўтарилмаган.

Тажрибадан шу нарса маълумки, кўпгина машҳур юмористик ҳикоялар турмушдаги қизиқ ҳангомалар асосида вужудга келгац, аммо авторлар ҳаётда учратган қизиқ фактларни шундогича асарга олиб кираверган эмаслар, уларда қизиқ фактлар

салмоқдор гап айтиш, муҳим ҳаёт ҳақиқатини ифодалаш учун бир восита ролини ўтаган. «Ҳаётдан тўғридан тўғри кўчириб ёзиш китобдан кўчириб ёзишдан яхши натижа бермайди, — дейди Абдулла Қаҳҳор. — Копия копия бўлиб қолаверади. Бундай нарсалардан оригиналлик кутиб бўлмайди. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини кўнгил призмасидан ўтказиш, уни ҳис қилиш, унга ўйлаб юрган гапларингни сингдириш, тилак ва идеалларингни қўшиб ифодалаш билан юзага келади»<sup>1</sup>.

Санд Аҳмад баъзан қабоҳатларни нишонга олишда адашади. ўқувчини кулдиришга маҳлиё бўлиб кетиб, ҳазилкашликини ҳаддидан ошириб юборади, одамларнинг нафсониятига тегадиган қалтис ҳазиллар қилиб, кулгининг ўткир тигини ижтимоий иллатларга эмас, кишилардаги биологик жисмоний қусурларга йўналтириб юборади.

«Олқинди» ҳикоясидаги персонаж портретини кўринг. Бу одам кўзойнагининг бир пёйи дарз кетган, у доимо НЭП давридан қолган қўш қулфли портфель қўлтиқлаб юради, башараси муҳри ўчиб кетган олқинди совунга ўхшайди, пешанаси туюнинг тиззасидек едирилиб тақир бўлиб кетган. Қорин тарвузни бутун ютгандек думалоқ, шими ҳар хил сиёҳ узун-узун томиб беқасамга ўхшаб қолган, ундан могор ҳиди анқийди, унинг ганириши ҳам хунук, тилини танглайига босиб галати товуш чиқаради...

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор, Ҳаёт ҳодисасидан Ҷаддий тўқимага, «Шарқ юлдузи», 1965, № 5, 146-бет.

Ёзувчи портрет характеристикасини яна давом эттиради: «Докторхона деворида одамнинг совундан ясалган башараси, қўли, қулоғи ва бурнининг нусхаси илиғлиқ бўларди. Бу одамнинг ҳамма ёғи бирвара-кайнига ўша докторхонанинг деворига ўхшаб кетади». Ёзувчи бу билан ҳам чекланимайди, уни калтакесакка, қўнғизга, маразга ўхшатади.

Ҳикоя қаҳрамонининг асосий айби иғвогарлик. Асосий нарса бу ёқда қолади-да, автор нуқул жисмоний қусурларни савалашга, қаҳрамоннинг афти-ангорини масхаралашга ўтиб кетади. Ҳажвиётда жисмоний-биологик хусусиятлар ҳам кулгининг манбай бўлиши мумкин. Иғвогар типи Абдулла Қаҳҳорининг «Иғвогар» сатирасида ҳам бор. Абдулла Қаҳҳор ҳам иғвогарнинг афти-ангоридан, хатти-ҳаракатларидан қулади, иғвогарнинг афтини ўлимнинг рамзига ўхшатади, ундан зах, мөгор ҳиди анқиб туришини айтади. Аммо ёзувчи меъёрдан четга чиқмайди, кулгининг асосий тифини иғвогардаги социал иллатга, бу иллатнинг манбаларига қаратади. Саид Аҳмад ҳикоясида эса шу меъёр бузилган. Меъёрнинг бузилиши фақат кулгининг социал аҳамиятини камайтирибгина қўя қолмай образчинг ҳаққонийлигига ҳам путур етказган, портрет тасвиридаги муболагалар — ошириб тоширишлар образ ички қиёфасини хира қилиб қўйган. Бу каби қусурлар ёзувчишинг «Микроб», «Бузоқ» каби ҳажвий ҳикояларида ҳам учрайди.

Сайд Аҳмад ижодида баъзан бир хил мавзу, бир тоифа кишилар характеристига қайта мурожаат этиш одати бор. Умуман адабий тажрибада шундай ҳодисалар учрайди, лекин бу такрорийликка олиб келмаслиги керак; бир мавзу, бир хил кишилар характеристига қайта мурожаат этилар экан, улар япги томондан қайта кашф этилиши шарт. Ёзувчи бир ҳикоясидағи ҳодиса, ситуация ва деталларни қисман ўзгаришлар билан иккинчи ҳикоясида такрорлайди, бир ҳикоясида ишлатилган бадиий приёмларни бошқасида қайта қўллайди.

«Мусича», «Номи йўқ тўй», «Гувоҳлар» ҳикояларининг мавзуи ҳам, қаҳрамони ҳам, гояси ҳам бир; ҳар учала ҳикояда ҳам безори образи берилади, безорилик ва унга келишувчилик қилиши қораланаади, уларниң бири иккинчисига нисбатан деярли лигиллик бермайди. Офтобининг тафтига, одамниң мартабаю афтига қараб иш кўрадиган лаганбардор образини «Дадамининг ўртоги» да ҳам, «Қоплон»да ҳам учратамиз, улардаги ситуация ҳам бир хил—бошлиқ ишдан тушиши билан лаганбардорниң унга бўлган муносабати ўзгариади, бошлиққа атаган совгасини қайтариб олади. Шошилиб қолиб ЗАГСда хотинининг фамилиясига ўтиб қолини эпизоди «Тўйбоши» ҳикоясида бор эди. Шу эпизод «Ариза» ҳажвиясида ҳам ишлатилган. Ҳайвонот боғида ишлаб ҳайвонлар ризқига шерик бўлиш воқеаси «Шер»да ҳам, «Автобиография»да ҳам келтирилган.

Сайд Аҳмад кам учрайдиган комик талант эгаси. Кулги мухлисларининг унга ҳурмат ва эътиқоди зўр.Faфур Ғулом уни ҳалқ ҳаётини яхши биладиган, ҳаётдаги кулгибоп ҳодисаларни нозик ҳис этадиган, кулгининг оддий ҳаётдаги даражасини яхши фаҳмлайдиган «Мунтазам ва нозик дидга эга» юморист деб атаган, унинг қатор ҳажвиялари «гоятда ҳаётйдир, эсда қоладиган, эсга тушганда кулиб юрадиган ўзимизнинг ҳикоялардир», — деган эди.<sup>1</sup>

Унинг барча ҳажвиялари ҳам таланти даражасида бўлишини, ҳамиша китобхониниг ҳурмат ва эътиқодига лойиқ асарлар яратишани истар эдик.

---

<sup>1</sup> Faфур Ғулом. Адабий оила. «Совет Узбекистони», 1965 йил, 15 август.

## КУЛГИ МАДҲ ХИЗМАТИДА

Саид Аҳмаднинг яна шундай ҳикоялари борки, улардаги кулги таңқиддан деярли холи, бу асарлардаги кулги кишилардаги инсоний жозибани очишга, одамлар орасидаги ўртоқлик, биродарлик муносабатларини ардоқлашга, ҳаёт, меҳнат, муҳаббат романтикасини қутлашга хизмат этади. Макъсуд Шайхзода сўзлари билан айтганда «ҳаёт ва тақдирдан розиликни, инсонларга ва истиқболга ишончни, яхшиликка ва гўззаликка муҳаббатни билдирадиган чинакам инсоний тил»га айланади. Ёзувленинг «Чўл бургути», «Чўл шамоллари», «Чўл сўқшомлари» туркумларига кирган ҳикояларида шундай.

Авторнинг ўзи бир ўринда бу асарларни «чўлларда бошланган янги ҳаёт ва янги одамлар қиссаси» деб атайди. Ҳикояларининг қаҳрамонлари «чўл билан беллашаштган, худди шу чўлдек бағри кенг, аммо навқирон, ҳар қайсиси алоҳида китобга қаҳрамон бўлса арзийдиган бир-бирига ўхшамаган табиатли» кишилардир. Автор уларни ҳаётда қандай бўлса шундайича, бутун қилиқлари, нуқсон ва фазилатлари би-

лан кўрсатишини иштади. Қаҳрамонлар характеридаги ана шу «зиддиятлар» қувноқ қаҳқаҳа учун йўл очади.

Мана, Чўл бургути деб ном олган Раҳимжон. Унинг асосий қасби чўлга от солиш, ўзига ўхшашларни чўлга бошлиш. «Бу атрофда унин танимайдиган одам йўқ. Бу чўлларда у ёнбошламаган тепа, отининг туёғи тегмаган соя қолмаган. «Олов бола». Автор Бургутга берилган дастлабки характеристикадаёқ юморни ишга солади. Унинг ўйланишини ҳақида қизиқ эпизод келтиради. Бу ҳақда персонажлардан бири шундай ҳикоя қиласди:

«Бургут шу ерининг боласи. Ёшлигида ҳам ўт-олов эди. Фронтга кетмасдан олдин қишлоқдаги Ойинса деган бир қиз билан дон олишиб юрган эди. Иккови аҳду-паймон қилишиб, гапни бир жойга қўйишган йили уруш бошланиб, Бургут фронтга кетди. Шу кетганча ундан хат-хабар бўлмай қўйди. Қиз кутиб-кутиб, охири ўзимизнинг қишлоқлик Нуъмонжон деган болага тегди. Орадан сал ўтмай уруш тугаб, Бургут қайтиб келди. Қараса қиз эрга теккан. У чамадонини чойхонада қолдириб, тўппа-тўғри Нуъмонжоннинг уйига бостириб борди. Эр-хотин ҳовлидаги сўрида чой ичиб ўтиришган экан. Бургут ҳе йўқ, бе йўқ, қизнинг қўлидан ушлаб, кўчага етаклаб қолса бўладими, кўчага йигилди одам, йигилди одам! Қариялар насиҳат қилишди, қани энди унга гап уқтириб бўлса, йўқ! Ўжарлиги тутиб, тавба, икки ярим ойлик келинчакни ўз уйига етаклаб кетса бўладими! Шу

десаңгиз, қиз ҳам жон деб турған экан, ол-дига тушиб пилдираб кетаверди. Бир ҳафта-тacha Нуъмонжон Бургутнинг уйи атрофида Үралашиб юрди. Эплолмади. Районга бориб у ёқ-бу ёққа арз қилмоқчи бўлди, бўлмади. Зўрликни қаранг-а! Қишлоқчилик эмасми. Нуъмонжон соддалиқ қилиб, келин билан ҳали ЗАГСдан ўтмаган экан. Унинг гапига хеч ким қулоқ солмади...». Лекин Бургут ўғил болалик қиласди. Нуъмонжоннинг бошқа қизга уйланишига бош кўшади, тўйига «иқки бўрдоқини» етаклаб боради, куёвнавкарда Нуъмонжоннинг ёнида ўтириб ро-са қизиқчилик қиласди, одамларни кулдиради...

Бургутнинг бошқа кечмишлари, хатти-ҳаракатларида ҳам кўпгина юмористик моментлар мавжуд. Унинг жаигдан қайтгайдан кейин «босар-тусарини билмай, медалларини жааранглатиб, ўтганинг ўрганини кетганинг кетмонини олиб» юриши, «бригадирни писанд қилмай, бир чеккада ўзига ер ажратиб» кетмон чопиши, шуҳрати ошиб қурултойга бориб келгач, бошқа одам бўлиб қолиши, чўлга от солиши, дўстларнига муносабати, кинооператорлар билан қилган можароси — буларнинг ҳаммаси китобхонда сўнмас кулги уйготади. Бургут худди ана шу характеристи, хатти-ҳаракатлари билан китобхонга ёқиб қолади.

Кўча-кўйда ҳам, онлада ҳам доим ўрик ва унинг нави ҳақида баҳс очадиган, фикризикри боғ-рогу, шира-шарбат билан банд бўлган ўрик домла-чи? Унинг кулгини қисстадиган хатти-ҳаракатларида, ишлари-

да қанчадан-қанча қаҳрамонликлар, юксак фазилатлар бор. У ажойиб одам. «Тўйпўйга бориб қолса, ашула эшитаётганларнинг энсасини қотириб, ўрикдан гац бошлиди. Асли отини ҳалигача ҳеч ким аниқ билмайди. Аммо Ўрик домла десанг бўлди: Ҳаттадаи-кичик танийди! Жони-дили ўрик. Райондаги колхозларнинг бодида ҳозир шигард мева бериб турган ўриклар шу домланинг кўчатидан бўлади. Одамлар Кавказга дам олганц боришса, Ўрик домла данак йиққани боради. Бодида дунёдаги ўрик наининг ҳаммасидан кўчат бор, дейишади. Областдан кимки чет элга борадиган бўлса, ҳамма ишини йиғиншириб қўйиб, уни вокзалгача чамадонини кўтариб кузатиб қўяди. Данак олиб келишини тайинлайди». Ўрик олдида у ҳеч кимни танимайди. Ҳатто бошқоронги келини бир халта уруглик данакни билмай чақиб еб қўйганида уни уйдан қувиб ҳайдайди.

Ёки «Тўйбоши»даги Отабойни олиб кўрайлик. «Отабой колхознинг ҳам хўжалик мудири, ҳам бухгалтери. Колхоз ҳали ёш, кичик бўлгани учун ҳар икки вазифанинг ўзи бажаради. Ҳали биронта колхознинг завхози мукофот олмаган, аммо Отабой шу вазифада туриб бир марта «Хурмат белгиси», икки марта «Шавкатли меҳнати учун» медаллари билан мукофотланган». У коллектив мулкини худди кўз қорачигидай сақлашга, ҳамма нарсани тежаб-тергаб сарфлашга ҳаракат қиласди. Бу жиҳатдан у аралашмаган соҳа йўқ. «Кечаси келиб идорани бир айланади, қопқоги очиқ қолган

сиёҳдоиларни кўрса жони ҳиқиқидоғига келади: «Бу нима? Сиёҳ қурноб қолади-ку, ҳа, колхозники-да, аяма-я, аяма!» — деб шовқин кўтаради. Шоферларни айтмайсизми, ундан зириллашади. Бензин олгани кепшишганда, албатта километражни текшириб кўради, агар мўлжалдан ортиқ сарфланган бўлса, бобиллаб беради. Тракторчилар билан бўлса доим гижиллашгани-гижиллашган. Агар биронта тракторчи мўлжалдан олдин комбинезон оламан деб келса борми, олдига солиб қувладиди». «Отабой кўчада юрганида икки қўзи томда. Мабодо биронта бола томдаги каптарга тош отса шиферни тешасан, тирмизак, деб уйнгача қувиб боради». Райком секретари машинасига бензин сўраганида, қонунга тўғри келмагани учун бермайди...

Хуллас, Отабой хасисликда Қори Ишкамбага ўхшайди. У ҳам сарф-харажатда Қори Ишкамба каби «Битта гугурт чўпини икки бўлиб ёқадиганлардан». Бироқ Санд Аҳмад қаҳрамонининг хасислиги С. Айний қаҳрамонининг хасислигидан тамоман фарқ қилди. Агар Қори Ишкамбанинг хасислик борасидаги кирдикорлари китобхонда нафрат, жирканиш ҳиссини уйғотса, Отабойнинг қилмишлари ўқувчига завқ, ҳузур бағишлайди. Чунки Қори Ишкамба хасислиги худбинлик, судхўрлик, пасткашлидан иборат, у фақат ўзи учун интилади, нафс, хусусий мулк балоси уни шу куйларга солади. Отабой эса кўпчилик деб, жамоат мулки деб шунчалик жон куйдиради. Худди ана шу нарса ҳар икки образнинг, улар-

даги кулгининг моҳиятини, фарқини белгилайди: Қори Ишкамбадаги кулги сатирик, фош этувчи, Отабойдаги кулги эса, қувноқ, самимий кулги.

Авторнинг бошқа ижобий қаҳрамонлари ҳам бир-бирини асло тақрорламайдиган ажойиб табиатли кишилардир. Йқасурликда лочинни эслатувчи ўз сўзли қиз Ойшахон ва унинг ёри Еанивой, таннозликини ташлаб одмигина, чўл одами бўлиб қолган Кокила ва унинг эри Қўзибой, Нуъмонжон ва Ҳожимуқон. Қўшиқ ота ва Ёғоч полвон — буларнинг ҳар бирин ҳикояларда кенг ва оз ўрин олишиларидан қатъий назар, ўзларининг аниқ қиёфаларига эга. Автор бу образларни яратишда ҳам ижобий юмордан баракали фойдалаиган.

Санд Аҳмад ҳикояларининг қаҳрамонлари меҳнат ва фаолият қишиси. Улар майкбурият, тамагирлик, шон-шуҳрат, моддий манфаатдорлик деб меҳнат қилмайдилар, балки меҳнат улар учун зарурий эҳтиёжга айланана бошлаган. Меҳнат улар учун завқ-шавқ манбани, қувонч манбани, гўзал ҳаёт кечириш манбани. Чўл кишилари чўл стихияларини енгиб, у ерга ҳаёт олиб кирадар экан, уларни беҳад қувонтиради. Үрик домла дунёнинг ҳамма четидан данак йигиб, бօғ-рөгларини қўпайтирадар экан, унинг олтмиш йиллик қадди яна адиллашади. Отабой хасислик билан «тежаш сиёсатини» ўтказганида қалбининг амрига қулоқ солади. Ҳикоя қаҳрамонларининг қувноқлик сири, ҳикоялардаги бой самимий юморнинг ҳақиқий манбани аслида ана шунда.

Тўғри, ўзбек адабиётида ижобий ҳодисаларин тасвир этиш, меҳнат романтикаси ни кўрсатиш учун юмордан фойдаланиш илгарилари ҳам бўлган эди. А. Қодирйинг «Обид кетмон», Ғ. Ғуломнинг «Эри билан бас бойлашган хотин», А. Қаҳҳорнинг «Сеп», «Кампирлар сим қоқди», «Шоҳи сўзана» асарларида шундай хусусият мавжуд. Сайд Аҳмад шу анъанани янги шаронитда ўзига хос тарзда давом эттирияпти.

Сайд Аҳмаднинг бу тур ҳикоялари халқ-чиллиги, меҳнат аҳлиниң турмуш тарзи, руҳи, кайфиятларини акс эттириши, тилининг бениҳоя жонли, ҳаётйлиги, образларга бойлиги жиҳатидан ибрагли. Ҳикоялар тили ҳаётга шу қадар яқинки, улар жонли одамларининг оғиздан шундоқ қогозга туширилганга ўхшайди.

Автор халқ юморидан, киноя қочириқларидан, аския-ю, латифанамо ҳазилмутойибаларидан баракали фойдалангандан, айрим кулгили ифодаларнингина эмас, бутун бошли эпизодларни ҳаётининг ўзидан «кўчириб» олган. Ана шулар воситасида автор ҳикояларга халқ руҳини яхши сингдира олган, уларга битмас-туганмас қаҳқаҳа бахш этган.

Далилларга мурожаат этамиш:

Ўрик домланинг ўз ишига ихлосмандлигини бўртириш учун шундай бир кулгили эпизод келтирилади:

«...Ўтган йили катта тўй қилиб ўғлини уйланитирган эди. Тўй ҳам жуда антиқа бўлган. Авжи ўрик пишиғи эди. Тўйга кел-

гап хотинлар нима бўлса ҳам домланинг кўзини шамғалат қилиб ўригидан бир-икки та узиб ейишни ният қилиб қўйишган экан. Домла пешанасига замбаракнинг оғзини тўғрилаб турсанг ҳам ўринка қўл тегиздирмайдиган хилидан. Тажриба ўрикда, ахир! Домла нима қилибди денг: қўргончадан боққа кирадиган эшик олдига иккى обдаста сув, эшик ҳалқасига учта тўн билан салла илиб қўйибди. Бечора хотин-халаж, қарниялар таҳорат олгани кириб кетишган экан, деб боққа яқин келиша олмабди. Калласи ишлаганини қаранг, бу домласи тушмагурнинг...»

Домланинг келини билан ораси бузилиши ҳақидаги эпизод бундан ҳам кулгилли.

«Домла шундай қилиб бир халта данак йиққаш экан. Келин бечора унинг «данак жинниси» лигини билмай, домла йўгида шу бир халта данакни чақиб еб қўйибди. Бошқоронги эканда, бечора. Домла кўчадан келса бир ҳовли данак пўчоги ётган эмиш. Қўрибди-ю, тутқаноги тутиб қопти. Ҳушига келиб бутун ҳовлини бошига кўтариб дод солибди. Қўни-қўшилар йигилибди. Унинг феълинин билганлар лом-лим деб оғиз очишолмабди. Келинининг раиги қув оқариб кетган, дағ-дағ титрар эмиш. Кейин домла ўлига ўдағайлабди:

— Бу уйда ё мен тураман, ё хотиннинг туради!

Албатта янги куёв бир нима дсёлмай тил чайнаб, аиқайиб тураверибди.

Бу гап келинининг ҳамиятнига тегиб, кийим-бошини тугиб отасиникига кетиб қопти».

Отабойнииг характерини, уининг «хасис» лигини очиш ниятида келтирилган эпизодлар бамисоли халқ латифаларининг ўзи:

Ко́лхоз меҳмонхонасидағи суратларни саиъатга мутлақо алоқаси бўлмаган бўёқчи ишлаган. Бунииг сабабини Кокила айтib беради:

«— Отабой ўлгурнииг қилган иши-да. Арzon тушади деб шаҳардаги артелдан патнис бўяйдиганини эргаштириб келибди. Шифтдаги гуллар ҳосилотнинг уйидаги патнисларга қараб солинган».

Ёғоч полвои ҳақида кетган қуйидаги мусоҳабани ўқиб китобхониниг кулмай иложи йўй.

«Дастурхон устида Ёғоч полвоининг таърифи бошланди.

— Ёғоч одам! — деди жиддий туриб Бургут.— Лафзли одам у. Уи саккиз гектар ерни кетмоң тегизмай машинада қойил қилиб юборди. Кўряпсиз-ку, икки машинадаб ҳам териб тамом қилиб бўлмаяпти.

Мен ҳам гапга аралашибим.

— Бу киши ҳам хотинларидан қўрқадиларми?

— Бе, — деди Ёғоч полвои қўл силтаб. — гуноҳ қилган йигит хотинидан қўрқадидар! Биз ҳали гуноҳ қилганимизча йўқ. Нима дейсан, Бургут!

Бургут бошини сарак-сарак қилиб кулди.

— Ўч-тўрт улфат бир бўлиб гапдан-гап чиқиб «ким хотинидан қўрқса ўриидан турсин» деган таклиф тушиди. Шунда ҳамма ўриидан туриди-ю, бир полвон йигит жо-

Йидаң қўзғалмабди. Ундан нега турмадинг, ё хотинингдан қўрқмайсанми, деб сўрашибди. Полвон йигит нима дебди денг, хотинимнинг номини эшитишм биланоқ икки оёғим шол бўлиб ўрнимдан туролмай қолдим, дебди.

Қотиб-қотиб кулдик.

— Бизнинг Ёғоч полвон ҳам шунаقا полвонлардан, — деди Бургутнинг биқинига туртиб. — Ҳа, дўст! Қоматингга қойилман!

Ёғоч полвон қизариб кетди.

— Ҳеч-да, ичадиган вақтимда, рост гап, жиндакнина қўрқардим. ӽашанда ҳа деб машмаша қиласвергандан кўйин ёлгондакам қўрқянга ўхшаб турадим».

Бунақа эпизодлардан яна кўплаб келтириш мумкин. Қаҳрамонлар ҳақидаги бу хил таърифлар, «ярми ёлғон, ярми чин» маълумотлар, латифанамо нақллар, улар орасидаги ҳазил-мутойибалар, асқия ва қочириқларни фақат реал, жонли одамларнинг оғзидангина эшитиш мумкин, бунақа мусоҳабалар фақат шу типдаги кишилар доирасидагина айтилиши мумкин. Бир қадар тасодифий бўлиб кўринган бу эпизодлар сода, самимий чўл кишиларининг жонли қиёфасини, хатти-ҳаракатини кўрсатишда, шунингдек ҳикоялардаги қувноқ ритмикани тайин этишда яхши дастак бўлган.

Қаҳрамонлар тили, уларнинг сўзлаштарзини беришда ёзувчи жуда дадил. Автор жонли кишилар тилидаги жонли ибораларни сақлаган ҳолда асар табиийлигини, қаҳрамонларнинг ҳаётйлигини тагин ҳам

оширишга, ҳикоялардаги юмористик оҳангни кучайтиришга муваффақ бўлади.

Биргина Бургут тилида учрайдиган ибораларни эслайлик. Унинг нутқида ёзма ғадабиётда кам ишлатиладиган, лекин жонли сўзлашувда қўлланадиган «маладес», «боевой» каби сўзлар, «Картинкангдан ўргилдим», «Картинка қиласмиш», «Пул кўп бу чолда», «Мана бундоқ китоби чиққан», «Ҳа, дўст!», «Қоматиннга қойилман» каби иборалар кўплаб ишлатилганки, улар жанг кўрган тиниб-тинчимас, қайноқ қалбли шўх йигитнинг қиёфасини китобхонга жуда ҳам таниш қилиб кўрсатади.

Қаҳрамонлар тилидан айтилган сўзларгина эмас, авторнинг ўз сўзлари ҳам жонли сўзлашувга ниҳоят даражада яқин; қаҳрамон тили билан автор тили орасида кескин фарқ сезилмайди, бу ерда ҳам ҳикоянавис «теша тегмаган» ибораларни ишга солади.

Кокила ҳақидаги шу жумлаларни ўқинг:

«У тўққизинчида ўқиб юрган пайтларидаёқ онасидан бекитиб сурма қўяр, сочини —нақ тақимига тушадиган қоп-қора узуни соchlарини елкасидан кесдирмоқчи бўлганда вой акасидан еган калтаклари». Агар бу жумлалар оддий грамматик қондалар асосида тузилса, юмористик оҳангдан маҳрум бўлиб қолиши турган гап.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ҳикоя биринчи бор матбуотда эълон қилинганда («Қизил Узбекистон», 1961 йил 9 апрель) жумла худди шу тарзда қурилган эди, кейинчалик ҳикояни китобга киритилганда ўзгартирилиб «соchlарини елкасидан кестирмоқчи бўлганда акасидан роса калтак еган эди» деб берилган. Бунинг натижасида жумла ўзининг аввалги жарангдорлигини йўқотиб қўйган.

Энди мана бу жумлаларга қаранг:

«Кокила фестивалдан исми ёзилган тилла соат мукофот олиб қайтиб келса, бир вақтлар ўзи «хумкалла» деб лақаб қўйган Қўзибой армиядан қайтиб келиб, қизларнинг бошини айлантириб юрибди. Ўзи ҳам тўлишиб, савлатли бўлиб кетибди. Эгнидаги ироқи кўйлагининг кўкраги тирсиллаб турибди. Кокила уни кўрди-ю, эс-ҳушини йўқотди-қўйди. Ўша куни кўзларига сурмани қалин чаплаб Қўзибойнинг олдидан икки-уч марта атайлаб каклик юриш қилиб ўтди. Бутун вужудидан муҳаббат ва ёшликнинг фақат балогатга етиб, овози дўриллаб қолган ўспириндагина бўладиган ғалати ғамзаси ёғилиб турган қиз Қўзибойнинг ҳам кўзини тиндирди. Бола оромини йўқотди. Атир ҳиди димоғига кирса, безовта бўладиган, ингичка овоз эшитса, кўзи сузиладиган бўлиб қолди».

«Қиз айтганини қилди. Қўзибой бедандай питирлаб Кокиланинг тузогига тушди. Бир ойдан кейин тўйлари бўлди, икки ярим ойдан кейин турмушлари бузилди. Қўзибой шинелини елкасига ташлаб уйдан чиқди-кетди».

«Кимдир, Қўзибой уйланяпти, деб унинг юрагига ваҳима солди. Кокила ўша куни ёқ чўлни бошига кўтариб шангиллаганча Іқўзибойнинг олдига борди. Шу борганча қимиirlамай қўя қолди. Театр ҳақидаги орзулари ҳам, пардоз-андоз ҳам, Симсой кўчаларини буруқситадиган атиrlар ҳам эсндан чиқди. Сочини бошига турмаб, енгини шимариб чўлда ишга киришди. Битта ўғил

түғиб берди-ю, эр-хотин орасига мөхригиё тушди-қўйди».

Гапдаги «Каклик юриш қилиб ўтди», «Бола оромини йўқотди», «Беданадай патирлаб тузогига тушди» каби ифодалар; «Шинелинни елкасига ташлаб уйдан чиқди-кетди», «Шу борганча қимирламай қўя қолди», «Битта ўғил түғиб берди-ю, эр-хотин орасига мөхригиё тушди-қўйди», «Бир ойдан кейин тўйлари бўлди, икки ярим ойдан кейин уйлари бузилди» тарзида қуррилган жумлалар фақат жонли тилдагина бўлиши мумкин: бу хил ифодалар ва жумлалардан шундоқ юмористик оҳаниг қулоқ-қа чалиниб туради.

Ёзувчи кулгини кучайтириш учун ҳажвиётда кенг тарқалган анъана ва усуллардан ҳам фойдаланади. Чунончи персонажлар портретини чизаётганда кўнгина сатириклар қўллаган приёмни ишга солиб, «кишининг ташқи қиёфаси, баъзан интилишларига, фикр-ўйларига... қарама-қарши бўлиши»ни таъкидлаш билан самимий кулги учун йўл очади. Шунда ҳам у чўл, меҳнат аҳли руҳини, ўзбек кулгисини бетакрор, ўзига хос тароватини беришга муваффақ бўлади.

Мана, персонажлардан бири Нуъмонжоннинг портрети:

«Нуъмонжон юмшоқ кўнгил, қиздеккина йигит экан. Унинг қадди-басти, хатти-харакатлари деҳқондан кўра сартарошга кўпроқ ўхшаб кетарди. Оёқ олишлари енгил, гапи ҳам мулојим, қалин қора қошлири остидаги сарғимтил қўй кўзи ҳамиша

кулиб тургандек. Унинг шу топда ёнимда пилдираб бориши чўлда кетаётган ожиз чумолига ўхшаб сира манзилига етолмайдигандек кўринарди...»

Автор давом этади:

«...Бу йигит мен тасавур қилган чўл йигитларига сира ўхшамасди. Нозик бармоқлари фақат дутор чертишга, сабза урган мўйловлари остида кулишга ҳозирланиб турган лаблари фақат жонон қизларнинг юзидан бўса олишга яратилгандек кўринарди».

Ҳикоячи қаҳрамон Нуъмонжон билан яқиндан танишгандан кейин, лойга тиқилган машинани қуруққа чиқаришдаги жасоратини кўргандан сўнг: «Наҳот, шу увоққина жуссада шунчалар катта, ишониб бўлмас паҳлавон куч яшириниб ётган бўлса. Буни «Тўппонча полвон» деб бекорга айтмаган эканлар» деб унга қойил қолади.

Ҳикоядаги бошқа бир персонаж Ҳожимуқон Нуъмонжонининг тамоман акси. Ёзувчи бу йигитни «Алф Лайлодаги қўзачадаи чиққан Аҳраман девдек баланд, ҳар ягринига биттадан одам минса бўлади», «эгнидаги чакмони дарахтга шолча ёпиб қўйганга ўхшайди», деб таърифлайди. Унинг хатти-ҳаракатини ҳам девкор қилиб кўрсатади. Бу жиҳатдан уни Нуъмонжон билан солиштиради: «Ҳожимуқон илдам юриб келиб, худди ёш болани қўтаришга чоғлангандек, энгashiб, икки букилиб Нуъмонжон билан кўришди. Унинг олдида Нуъмонжон худди дадасига толпинган ёш болага ўхшаб кўринарди».

Автор Ҳожимуқоннинг барваста, девкор-қаддиқоматини тасвир этар экан, айни вақтда бу кўринишга зид бўлган бошқа томонини — унинг ниҳоятда мулойим, муш-фий-мехрибон йигит эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади. «Ҳожимуқон шу гавдасига хотинидан ўлгудек қўрқади», деб ҳазил қиласи дўстларидан бири.

Характерларнинг ташқи кўриниши билан руҳий олами, интилишлари орасидаги бу хил тафовут ва «зиддиятлар» тасвири ўз-ўзидан асардаги юмористик оҳангни кучайтиради, кулгига кулги қўшади.

Бу туркум ҳикояларда тил, тасвир ниҳоятда ҳаётий, жонли сўзлашувга яқин эканини, улар одамларнинг оғзидан шундоқ «кўчириб олинган»дек туолишини айтдик. Лекин бу хил «кўчириб олиш»нинг натуралистик нусха кўчириш билан ҳеч қанақа алоқаси йўқ.

Сайд Аҳмад тажрибаси тил ва тасвирида ҳақиқий ҳаётийлик учун интилишнинг бир намунаси сифатида ҳам ибратли. Сайд Аҳмад ҳикояларидағи ифодалар одамлар оғзидан шундоққина «кўчириб олинган»дек туолса-да, аслида улар катта ижодий меҳнат, қолаверса ўткир поэтик дид, ўзига ҳос истеъдод маҳсули. Бунда ёзувчи бадиий ижоднинг энг муҳим принципларидан келиб чиқиб иш кўради, тил, тасвирининг образли, эмоционал бўлиши ҳақида қайғуради; у қўллаган ифодалар жонли, ҳаётий бўлиш билан баробар. ғоят таъсирчан, нафосатга, образларга бой.

## ИЖОД ҮФҚЕНИНГ КЕНГАПИШИ

60-йиллар давомидә Сайд Аҳмад жуда күп лирик ҳикоялар, ҳаккизлар билан баробар «Уфқ» романни үтсизда иш олиб борди. Романинг биринчи қитоби 1964 йили эълон қилинди. Романин жамоатчилик илиқ кутиб олди, тәнқид эса ёзувчи ижодида олға қўйилган қадам. ғлабиётимизда муҳим воқеа, деб баҳолади, асар республикамизнинг 40 йиллиги муносабати билан ўтиказилган конкурс мұндоғотига сазовор бўлди.

Ёзувчи авваллари ҳам йирик жаирларда машқ қилган, «Қадрдон далалар» (1949), «Хукм» (1959) номли қиссалар яратган эди.

«Қадрдон далалар» урушдан кейин кенг тарқалган ва ғлабиётимиз ривожида салбий из қолдирган «конфликтсизлик назарияси» — ҳаётни «пардозлаб кўрсатиш» тенденцияси таъсирида ёзилган эди.

Қисса урушдан кейинги қишлоқ ҳаётига бағишлиланган. Ёзувчи кечаги жаиг қаҳрамонининг бугунги тинч кунларда меҳнатда кўрсатган шижоатини мадҳ этмоқчи бўлади. Асар қаҳрамони Пўлатжон урушидан тантана билан ютига, қадрдои даласига

қайтади, уруш аламларини унуттиб, ўзинн  
меҳнат қучоғига уради, қишлоғини обод,  
маданий қилиш учун кураш бошлайди.  
ГЭС қурилишига бош бўлади, колхоз парт-  
ия ташкилоти секретари лавозимнига кўта-  
рилади. Ёзувчи Пўлатжон секретарлик  
қилган колхоздаги эрта баҳордан то кеч  
кузгача бажарилган ишларнинг тафсилотини  
беради, йўл-йўлакай Пўлатжон билан Назо-  
кат орасидаги севги муносабатлари, бу севги  
йўлига тўғаноқ бўлган ота, Бек, Ҳожиматлар-  
нинг кирдикорлари ҳам тилга олиниади.  
Асар тили равон, лирик ифодаларга бой.  
Аммо қиссадаги қаҳрамоннинг на меҳ-  
натдаги шиҷоати, на севги саргузашти,  
на қаллоб кимсалар билан тўқиашуви, на  
авторнинг лирик чекинишлари ҳеч бири  
китобхонни ҳаяжонга солмайди.

Бунинг сабаби шундаки, қиссада ўша  
йиллар нафаси тўла сезилмайди, ҳаёт ман-  
зараси бир ёқлама, юзаки, тантанавор кўр-  
сатилади.

Қаҳрамон йўлидаги реал, жиддий қийинн-  
чиликлар четлаб ўтилганидан, конфликт,  
аҳамиятсиз, омонат можаролар асосида қу-  
рилганидан қаҳрамонларнинг руҳий дунёси  
жуда юзаки акс этган, бинобарин, характерлар қиёфаси хира, қаҳрамонлар порт-  
ретининг — айrim штриҳлари бору, ўзи  
йўқ, тўғрироги, асарда тўлақонли — инди-  
видуал характерлар кўринмайди.

Иккинчи қисса «Ҳукм» адаб ижодида  
силжиш бўлди. «Ҳукм» — қишлоқ хўжали-  
гини колективлаштиришнинг дастлабки

йилларидан бир лавҳа. Ёзувчи ўша давр нинг биринчи бер ўғлига кўзи тушганда ҳайтининг характерли бир томонини қаламга олади—коллектив хўжаликни ичдан қўпоришга ҳаракат қиласи упсурлар кирдикорини фош этади, маъкаъланган кўхна дунёнинг ожиз парчалағидан қаср қурмоқчи бўлган телбалар устидан шафқатсиз ҳукм чиқаради.

Асар конфликтни ўтказр синфий зиддиятлар асосида қурилган. Бир томонда Зор қишлоқ устуналари — Сайд Жалолхон, унинг хотини — Эшон ая, ҳамтовори Азим бойвачча, гумроҳ йигит Назирқуллар гурӯҳи, бу гурӯҳ даргаси муноғиқ Низомиддинов, иккичи томонда колхоз раиси Бўта, соддадил Муса кўса, Турсуйбий ота, Максим, Саломат каби янги дунё одамлари. Шу иккичи гурӯҳ орасида пинҳона, лекин кескин кураш кетади. Бу курашнинг илдизи олисроққа — шиқилоб йилларига бориб тақалади, ёзувчи йўл-йўлакай яқин ўтмиш воқеаларини ўша ниҳилобий курашнинг давоми спфатида тақиин этади. Янги дунёнинг мухоммифлари энди ошкора бош кўтара олмайдилар, шу билан баробар, янги дунё олдида таслим бўлишини ҳам истамайдилар; улар пинҳоний кураш йўлига ўтадилар, қўлларидаги охирги тошни отиб қоладилар, одамлар орасида васваса тарқатадилар. Бўтани бадном, Бектемирни сазойи қиладилар, бегуноҳ қиз Саломат кўксига тиғ урадилар...

Асардаги кураш пинҳона бўлганидан асар сюжети ҳам сирли, детектив характер

касб этади. Ёзувчи сюжет тузнида аввалги қиссага қараганда анча маҳорат кўрсатади. Бўта билан Саломат орасидаги севғи, висол лаззатлари, фироқ изтироблари яхши тасвириланган, узоқ жудоликдан кейин ошиқ маъшуқлар энди учрашай деганида юз берган фожна — Саломат ҳалокати тасвири китобхонин ларзага солади; эшон ўлими, Назирқул қисмати, Низомиддинов кечмиши ҳам ҳаяжонли ҳикоя қилинган.

Адаб кескни ҳаётий зиддиятларни қаҳрамонлар қалбиға олиб киришда ҳам маълум муваффақиятларни қўлга киритди, хусусан қаллоблар қўлида қўғирчоққа айланган содда йигит Назирқулиниг қисса оҳидаги ҳолати, оғир руҳий изтироблари, тавба-пушаймоnlарни маҳорат билан тасвири этилган.

Адаб қиссада характерлар моҳиятига мос бетакрор бўёқлар қидиради. Бўтадаги ўжарлик ва соддалик, Муса кўсадаги фанизм ва тез ўзгарувчалик, Турсуйбой отадаги гўллик шулар жумласидандир. Низомиддиновдаги мунофиқликни очишда насрый тасвириниг хилма-хил имкониятларидан фойдаланади, ҳикоячиликда қўллаган услубий тажрибаларини — лирик тахлил, киноя-ҳажв, қувноқ беозор кулгисини ишга солади.

«Ҳукм»дан кейин Сайд Аҳмад яна ҳикояга, ҳажвияга қўл урди, жуда кўп ўткир, етук ҳикоялар яратди, ўз услубини такомиллаштирди, қаламини яна ҳам ўткирлаштирди. Адабининг галдаги йирик асари «Уфқ» унинг ижодий балоғат даврида

майдонга келди. Унда ёзувчининг шу пайтга қадар тўпланган адабий тажрибалари мужассамланди, айни пайтда адиб истеъдодининг янги жиҳатлари юзага чиқди.

«Уфқ»нинг биринчи китобида Үлуг Ватан уруши даври воқеалари, уруш орти олис ўзбек қишлоғидаги ҳаёт акс этган. Асар марказига уруш ва инсон проблемаси қўйилган.

Бу проблемага ёзувчи биринчи бор мурожаат этаётгани йўқ. Бу мавзу ёзувчини кўпдан бери қизиқтириб келади. У уруш йилларида ёқ ўша давр қишиларининг уруш билан боялиқ қисмати ҳақида очерк ва ҳикоялар ёзишга киришган эди, урушдан кейин ҳам ёзинин давом эттирди, биринчи йирик асари «Қадрдои далалар»нинг бош қаҳрамони жанг кўрган киши эди.

Ёзувчининг 50-йиллар ижодидаги ўсиш, ўзгариш уруш оқибатлари ҳақида ёзган «Турналар», «Онажонлар», «Қўклам чечаклари», «Тўлқинлар», «Мангулик қиссанси», «Хазина» каби ҳикояларида аниқ кўриди. Бу ҳикояларда автор уруш ва инсон проблемасига жиддий ёндашади, инсон қалбини бир ёқлама, юзаки тасвирлашдан қочади. Шу ҳикояларга хос хусусият «Уфқ»да яна ҳам чуқурлашди, такомиллашди.

Ёзувчи бир томондан, уруш туфайли ҳалқ бошига тушган қийинчилик, жудолик, дард-аламларни, фашизм ҳарбий жиноятининг хилма-хил мудҳиши оқибатларини рўйирост кўрсатади, асар воқеалари уруш майдонларидан жуда олисда, Фарғона қишлоқларида ўтса ҳам ҳар қадамда урушининг

қонли нафаси, порох ҳиди аиқиб туради. Бу билан адаб босқинчилик урушининг антигуманистик моҳиятини фоши этиб ташлайди, гуманизм гояларини ишгари суради. Иккинчи томондан совет кишиларидаги уруш туфайли юз берган мусибатларни енгизига қодир бўлган кучни зўр пафос билан мадҳ этади.

Қаҳрамонлар бошига тушган уқубатларни рўйирост кўрсатишдан мақсад фақат урушни фоши этишдан ўна иборат бўлмай, аслида қаҳрамонлар қалбнинг гўзаллигини, қаҳрамонларнинг маъниавий камолотини, матонатини ёрқирироқ очиб беринидан иборатдир. Қаҳрамонлар қийинчиликлар, мусибатлар, изтироблар гирдобида кўрсатилар экан, бу гирдоб туманини жуда зўр ёрқин бир нур ёритиб туради. Бу қаҳрамонлар қалбидаги келажакка, ғалабага ишонч, ҳаётга, одамларга муҳаббат, Ватаинга садоқат туйгусидан тугиладиган ҳаётбахш нурдир. Бу нур қаҳрамонларни тушкузлик гирдобига тоғиб кетишдан сақлаб қолади, яшашга, курашга, ҳаётининг катта йўлидан олис уфқулар томон дадил олга боришга ундаиди.

Асар қаҳрамонлари Икромжон, Низомжон, Тога, Зебихон, Асроралар не-не мусибатларни бошдан кечирмайди дейсиз. Бироқ уларнинг ҳар бирин энг оғир онларда ҳам одамийлигини, севги-садоқатини, орзу-идеалларини, ишонч-эътиқодини, қалб поклиги ва саховатини тўла сақлаб қоладилар. Уруш даври қаҳрамонлар учун зўр бир синов ролини ўтайди. Қаҳрамонлар бу зўр, шафиқатсиз синовдан муваффақият билан

ўтадилар. Бу синов вақтида социализм шароитида шаклланган янги иисоннинг ахлоқий фазилатлари, ўзбек миллатининг маънавий камолоти жуда ёрқин намоён бўлади. Ёзувчи Абдулла Қаҳдор «Уфқ» қаҳрамонларидаги мана шу фазилатлардан қувониб ёзади: «Кишининг кўз олдига бенхтиёр бириничи жаҳон уруши йилларидаги ўзбек қишлоқлари, фронтга эмас, фронтдан узоқ жойларда ишлаш учун сафарбар қилингани мардикорлар келади. Дод-фарёд, галаёни, ўт қўйилган маҳкамалар устида буруқсиган тутуни, мингбошиларининг мажаҳангани калласи, полиция ўқидан қонга белангани одамлар. Киши ўйлаб қолади. Нахот «Уфқ»даги одамлар ўша мардикорлар, ўша халиқининг авлоди бўлса!

«Уфқ»да тасвир этилган қишлоқ ҳаётини, одамларини кўриб ҳар бир ўзбек катта ифтихор билан: «Биз — ўзбеклар!», — дейди. қардош халқлар ўзбекни меҳр билан «Ўзбек оғайшим» деб атайди».

Романдаги Икромжон образи — ёзувчининг жиiddий ютуги. Икромжон ижобий қаҳрамон ҳақидаги рецептлардан узоқ. У ижобий хислатларининг йигинидисидан ҳосил этилган аллақаидай схема эмас, балки ҳаётдаги бор қишиларининг ёрқин тимсоли. Бу одамининг кучли томонлари ҳам, запфтомуонлари ҳам рўйирост кўрсатилган. Айни вақтда ёзувчи бу одам тақдиди ва характерида бошқалар учун ибрат бўладиган жиҳатларини кашф эта билган.

Энг муҳими. Икромжон — пок одам. Унинг фикри-ҳаёли Ватан, халқ ташвиши

билин банд. У Ватани учун мардона курашган киши. Мана шу пок, бегубор, садоқатли одам оиласида нопок одам пайдо бўлиб қолади—унинг янкаю ягона ўғли қочоқ, хони бўлиб чиқади. Бу ҳол Икромжон қалбига зўр изтироб солади. Икромжони нури-дийда-сининг нопок одам бўлиб чиққанидан ниҳоятда газабланади, орномус, виждан азобида куйиб ёнади, ўғлини оқ қилади, ортдан уин ўлимга маҳкум этади, ўғлининг шу хил одам бўлиб чиқишида ўзи ҳам айбдор эканни эътироф этади, мана бу нарса айниқса уни қийинайди, айни вақтда, қалбининг қаे-ридадир оқ қилган фарзандига ишебатан оталик меҳри зарраларини сақлаб қолади.

Икромжони психологияси ана шу кучли, кескин, мураккаб драматик ҳолатлар аспектида анализ қилинади. Ёзувчи Икромжон қалбидаги изтироблар тугёнишининг кучини кўрсатиш ниятида кўпинча бир-бирига зид вазиятларни таққослаш йўлини тутади.

Икромжон Москва остоналарида жангларда кўрсатган мардлиги учун «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланган. У ярадор бўлиб ўз юртига қайтиб кетгани туфайли қисм унга мукофотни ўз вақтида топшира олмаган. Мана, бугун Икромжонга таитанили вазиятда мукофот топширилган.

«Бахтиёр одам ҳаммани ўзига ўхшатади. Икромжон ҳозир шундай кайфиятда эди. Ёр-биродарлари олдида юзи ёруғ бўлди. Ватан учун қилган хизматлари олий мукофот билан тақдирланди. У, бу мукофотни ўз қишлоғида, бирга кеҳнат қилган, бирга тер тўқкан жўралари олдида кўкрагига тақ-

ди... У тақдирлашгаи, зое кетмаган меҳнатларининг гашти билан маст эди».

Бу қувоич узоққа чўзилмайди. Боя мажлисдаги қочоқ бола тўғрисидаги гап Икромжонга алоқадор бўлиб чиқади — унинг ўғли Турсунбой фронтдан қочган! Бу шум хабар бирнаса Икромжоннинг қаддини буқади-қўяди, боягини баҳт нашидасини суріб турган Икромжон изтироб алангасида қолади...

Эртаси куни қишлоқдаи чиққан Совет Иттифоқи Қаҳрамони шарафиға зўр тантана бошлиниади. Қишлоқда катта базм. Қишлоқ аҳли қаҳрамон хонадонига йиғилган. Ҳофизлар хонини қиляпти. Улар ишқ, вафо, мардлик ҳақида кўйлаяпти. Тўй бошида турини лозим бўлган Икромжон эса уйида. У ўз ёғига ўзи қовурилиб ётибди.

Автор аввал қаҳрамон қалбини танҳо ҳолда таҳлил қиласди; қаҳрамонни ўз вижлони олдида ёлғиз қолдиради-да, қалбда туғилган виждон тугёнини секин-аста тасвирлаб бораверади. Ёзувчи фақат бу билан чекланимайди. Асар охирида қаҳрамонни виждон азобига солган кимса билан юзмаюз тўқиаштиради. Икромжон тўқайда тасодифан ўғли Турсунбой билан учрашиб қолади. Бу учрашув-тўқиашувни асарнинг икульминацияси дейини мумкин. Бунда ижобий қаҳрамон қалби бутун кескинлиги, шураккаблиги билан, кучли ва заиф томонлари билан яна бир карра ёрқин кўриниади. Ёзувчи қисқа бир муддат давомида қаҳрамон руҳида юз берган кескин ўзгаришларни ҳассослик билан кўрсатади. Икромжон-

бир дақиқа аевалғи газаб ва изтиробларнини унутыб қўйинши, оталик ҳисеи қўзгаб, ўғлини бәғрига босиши, сўнгра ўғлиниң хонилиги ёдига тушиб, уни қўйиб юборишни, муҳаббатнинг нафрат билан алманишини, бола догида ўтиб кетган она қисматидан ўғлиниң хабардорлигини билгач, Икромжондаги нафрат газабга айлашиб келиши, ўғилини қалтаклаши ва ишоят кочоқ ўғил ортидан ўқ узғиши, ўқ тегмагач, бу ҳолдан таскин топиб, «Хайрият» деб юбориши — булариниң ҳаммаси маҳорат билан тасвир этилган.

Икромжониниң бошига түшган мусибат туфайли одамларда унга ишбатан иккичил муносабат пайдо бўлади. Юраги пуч, галамис кимсалар найтдан фойдаланиб, Икромжонга таъна тошлари ёғдирадилар, юрт бошида уруш кетаётган бир даврда фақат ўз фойдасини, жониниғина ўйлаб юрган мўйловдор йигит билан Нояят оқсоқол Икромжонни ҳақорат қиласади, шу тоифадаги кимсалар унинг уй деворига «хониниң уйи» деб ёзиб кетинади. Булар Икромжон қалбида алам, изтироб оловини баттар ловиллатади. Айни вајтда ёзувчи Икромжонга ишбатан бошига бир муносабатни ҳам кўрсатади. Тоға, Низомжон, Охунбобоев ва бошига кинилар Икромжонга ишоадилар, унинг бошига түшган савдо туфайли ачинадилар, оғир дамларда уни қўллаб-қувватлайдилар, далда берадилар. Бу нарса Икромжонга куч-қувват баҳш этади. Икромжон шу маибадаи қувват

олиб ўзлигини сақлаб қолади. Икромжон фақат жафокаш кимса эмас, уфқларни мўлжалга олиб олға интилувчи, қўриқ очувчи, яратувчи, курашувчи инсон. Бу одам чинакам қаҳрамон. Унинг қаҳрамонлиги аввало одамийлигига, иродабардошига, келажакка ишончига, зўр эътиқод эгаси эканида, элига, юртига садоқатида.

Икромжон образи тасвирида баъзи нуқсонлар ҳам бор. Икромжон психологизми ни тасвир этишда, гарчи ёзувчи катта меҳнат қилган бўлса-да, бир хилликка йўл қўйган. Икромжон қалби нуқул қочоқ ўғил ҳақиқидаги ташвишлар вазиятида очилади, қаҳрамоннинг бошқа вазиятлардаги кечинмалари тасвирига кам эътибор берилади.

Ундан ташқари, автор Икромжон изтиробларини тасвирлашда баъзан меъёрдан четга чиқиб кетади, айрим ўринларда Икромжонни ўта сентиментал ҳолатларда кўрсатади. Ўқувчидаги атайини қаҳрамонга нисбатан ачиниш уйғотиш уни бир илож қилиб йиғлатиш пайнга тушиб олади, шу ниятда ҳатто қаҳрамонга у қила олиши мумкин бўлмаган ишларни қилдиради. Чунончи, Икромжоннинг ўғлига гўр қазиши тафсилотини эсланг. Икромжон сал нарироқ бориб кетмон келтириши ва кетмон билан гўр қазиши ҳам мумкин эди. Лекин ёзувчи қийинроқ, аянчилироқ, «таъсирчан»роқ вазият қидиради. Икромжон қўлтиқтаёқ билан гўр қазийди. Бу билан ёзувчи китобхонга кучлироқ таъсир кўрсатмоқчи бўлади. Автор китобхонга «кучли таъсир» кўрсатишни ўйлагану, китобхоннинг бунга қанчалик ишониш ё ишопмаслигини ҳисобга олмаган.

Романинг биринчи китоби устида қизғин баҳслар бўлди. Иноят оқсоқол образида сатирик бўёқ ҳаддан ташқари қуюқлашиб кетган. у роман қаҳрамонини эмас, фельетон қаҳрамонини эслатади, асарда унга керагидан ортиқроқ ўрин берилган, Низомжон образига юкланган ғоявий нагрузка хийла енгил, сюжет ривожида изчиллик етишмайди, деган танқидий мулоҳазалар айтилди.

Адаб романининг иккинчи китоби устидағи ишида бу хил мулоҳазаларни маълум даражада ҳисобга олди. Ниҳоят, ёзувчининг ўн йиллик ижодий меҳнати ниҳоясиңга етди. «Уфқ»ка сўнгги нуқта қўйилди, роман «Шарқ юлдузи» журналининг 1969 йил 12-сонида эълон қилинди.

«Уфқ»нинг биринчи китоби каби бунисида ҳам худди аввалги китобидаги руҳ, самимият, эҳтирос сақланган, авторнинг романнависликтин маҳорати яна ҳам ошиган.

Иккинчи китобдаги воқеалар бошқа шароитда, урушдан кейинги тинч-осойишта кунларда давом этади. Айтиб ўтганимиздек, Сайд Аҳмад илк қиссаси «Қадрдон далаар»да худди мана шу даврни қаламга олган, аммо унда ҳаётнинг реал манзарасини беролмаган, ўша давр ҳаётини бир ёқлама, тантанавор кўрсатган эди. Агар «Уфқ»нинг иккинчи китоби ўша қисса билан қиёс қилинадиган бўлса, адаб нақадар илгарилаб кетганини пайқаш қийин эмас.

«Уфқ»даги манзара бутунлай бошқача. Автор ўша давр ҳаётини бутун мураккаб.

лиги, улуворлыгы, кам-күстларі, қувонч ва ташвишлари билан ифода этади.

Асар бошидаги жангчиларни кутиш тараддууди тасвиридаёқ, ёзувчи ўша давр нафасини, драмасини беради-құяди.

«Вокзал олдиға майдон оломон билан лиммо-лим. Чоллар, келинчаклар, хассага таяниб қолган кампирлар ғарбдан келаёт-ған поезд йўлига интизорлик билан тикилишади. Тўрт йил сандиқларда ётавериб куя дори ўрнашиб қолган атлас кўйлаклар, баҳмал нимчалар, сиёҳга бўялган дуррачалар офтобда анвойи раңг билан товланади. Тўрт йил меҳнатдан узилмаган қўлларга узук ярашмагандек, билакузуклар бироғиниңдек эриш туюлади. Ниҳоят, поезд ҳам етиб келади. Бу бироғ учун тўй, бироғ учун азага айланади. Одамлар тарқалишади. Кўчаларда одам гавжум. Кетма-кет ўтаёт-ған машиналар то кўздан йўқолгунча одамлар қараб қолишади. Бироғнинг кўзида ёш, бироғнинг юзида табассум. Ҳар бир учраган кишининг юзига, кўзига қараб, дилида нима борлигини билиб олиш мумкин. Қора хат бағрини куйдириб қаддини буқкан чоллар, кампирлар кўзда ёш билан ўтаёт-ғанларни кузатиб қолади...»

Худди ўша оломон орасида биз аввалги китобдан таниш чеҳралар—Асрора, Диlldор, Низом, Аъзам, Иноят оқсоқол ва Рисолатларни учратамиз, учратамизу, дарҳол таниб оламиз, ўша таниш кишилар билан Найман чўллари томон йўл оламиз. Шу таринқа янги воқеалар, янги саргузашт, можаро, ташвиш ва қувончлар бошланиб кетади.

Аъзамжоннинг эсон-омон қайтиб келиши баҳона бўлади-ю, патдек тўзиб кетган оила аъзолари бир дақиқа қовушади, жажжи на-бирадан тортиб Иноят оқсоқолгача — бар-часининг юзида табассум; аммо бу узоқиа бормайди, дардни яширган билан иситмаси ошкор этиб қўяди, қовушмас қалблар тўқ-нашади, дилсиёҳлик бошланади.

Бир томонда ўша машҳур мумсик Оқсоқол, жодугар Рисолат, иккинчи томонда ота хонадонидан кетиб, аллақачон ўз йўлини топиб олган Низом, сўқмоқдан чиқиб катта йўлнинг бошида турган Дилдор ва ниҳоят, икки қутб оралиғида қолган Аъзам. Бу роман сюжетининг асосини ташкил этади: мана шу можаро теварагида автор аввалдан таниш персонажлар тақдири ва руҳиятини таҳлил этишда давом этади, характерларнинг янги жиҳатларини очади, биринчи китобда чала қолган гапларни қиёмига етказади, шу можаро билан боғлиқ ҳолда асарга Холматжон, Маҳбуба каби янги персонажлар олиб киради; тақдири ва табиати бир-бирига ўхшамаган бутун бир характерлар галереясини яратади, уларнинг ҳар бирини маълум «ғоявий юқ» билан таъминлайди. Шунга мувофиқ китобнинг ғоявий проблематик доираси ҳам кенг. Ўтган уруш даҳшатларини фош қилиш, матонат ва қаҳрамонликни мадҳ этиш, худбинликни қоралаш, инсондаги олижаноблик, маънавий поклик, масъулият туйғусини ардоқлаш, меҳнатни, соф севгини улуғлаш—булар асарнинг ғоявий-бадний мундарижа-сини ташкил этади.

Сюжет мантиқига кўра китобда Дилдор етакчи кучга айланади. Асарнинг бошидаёқ автор ундаги ўсиш, ўзгаришни таъкидлайди. Ҳаётда, севгида адашиш азоблари, Оқсоқол хонадонидаги жабр-ситамлар, хўрликлар унинг кўзини мошдек очиб қўйган, Низомнинг йўлини тутиб, аллақачон у бу фурбатхонадан бош олиб кетган. Энди унинг бутун фикри-зикри эри Аъзамда, уни ҳам гирдоb ёқасидан тортиб олмоқ, ҳаётнинг катта йўлига солиб юбормоқ истайди; кўп уринишлар билан Аъзамни ўз таъсирiga олади, улар энди бир умр баҳтиёр қолишилари мумкин эди. Бироқ Аъзам бу баҳтни авайлашга қодир одам эмас. Ота таъсирида болаликда танига сингиб қолган иллатлар ҳаракатга келади. Уни чалғитади. У Дилдорга яна хиёнат қилади, боласи билан чўлда ёлғиз ташлаб кетади, содда, ғамгузор аёл Маҳбубани йўлдан уриб, унга уйланиб олади.

Ёзувчи Дилдор қалбидаги аёлларга хос назокат ва нафосатни, хилма-хил тебраниш ва иккиланишларни аксари жуда нафис, батағсил ифода этади, шу билан баробар ундаги фаоллик ва жасорат тасвирига катта аҳамият беради. хусусан унинг меҳнат фаолиятини, меҳнатда тобланишини зўр эҳтирос билан қаламга олади, бунда чўл ҳикояларидағи каби романтик бўёқни ишга солади; бир вақтлар чиройини кўз-кўз қилиб юрувчи бўш-баёв қиз Дилдорнинг чўлдаги меҳнат шижоатини, лочиндеқ парвозини кузатганда адид бамисоли шоир бўлиб кетади. Шу меҳнат шижоати билан бирга

унинг ҳаётида янги маъно, улкан муҳаббат туғилади, Холматжондек жанг ва меҳнат қаҳрамонининг, олижаноб, самимий инсоннинг алангали севгисига сазовор бўлади.

Хуллас, беғубор ёшлиқ, соғ севги, лоқайдлик, бўшлиқ, алданиш жабр-ситам, таъналар таъсирида ўзгариш, дадиллик, фаоллик, омонат оила билан хайрлашув, меҳнатда жасорат ва ниҳоят, ҳақиқий баҳт, улкан муҳаббат — Дилдор образининг тақдири, психологик эволюцияси ана шундан иборат.

Шуниси ҳам борки, Дилдор билан Холматжон орасидаги муносабат, гарчи автор буни дадиллашга ҳар қанча уринган бўлмасин, бир оз тезлашиб кетгандек туюлади. Бир бор севгига оғзи куйган Дилдор ҳам, уйланмаган йигит Холматжон ҳам, Маҳбуба кетига тушган Аъзам ҳам бир неча кун ичида ҳамма ишни қилишга улгуради. Дилдордаги ўзгариш, улғайишни кўрсатишда автор таъкидлари кўпайиб кетган. Езувчининг нияти айрим ўринларда ўта ошкор бўлиб қолган.

Биринчи китобдаги марказий фигура Икромжон бу ерда бор-йўғи уч-тўрт ўринда кўринади. Аввалда бўлганидек, у яна ўша оғир руҳий ҳолатда берилади. Аммо биринчи китобнинг айрим ўринларида учраб қолган сентиментал талқин бу ерда йўқ. Энг оғир, кескин дақиқаларда ҳам у мардона, кучли шахс сифатида гавдаланади. Икромжоннинг Тоға билан ҳасратлашув картинаси романнинг энг ёрқин, ҳаяжонли саҳифаларидан бири. Инсон қадбидаги кескин

драматик руҳий жараёиларни санъаткорона ифодалаш жиҳатидан у биринчи китобдаги Икромжоннинг қочоқ ўғли билан тўқнашув картинаси тасвири билан тенг туради. Бу ҳасратлашувда Икромжон қалбидаги туғёнлар яна бир бор бутун драматизм билан намоён бўлади. Шу билан баробар, бу ҳасратлашувда иккинчи бир шахс — Тоға образининг янги қирралари кашф этилади. Биринчи китобда ҳам Тоға кўп тилга олинган бўлса-да, унинг шахсиятидан, кўнглидаги дардлардан бехабар әдиқ. Шу пайтга қадар у нуқул ўзгаларга, жумладан Икромжонга далда бериш билан банд әди. Маълум бўлишича, унинг дарди ҳам Икромжоннидан қолишмас экан, унинг ёлғиз ўғли жангда ҳалок бўлган, буни узоқ вақт хотинидан сир тутган, охири сир ошкор бўлиб хотини телба бўлиб қолган. Тоға ҳам худди Икромжон каби аламлар, изтироблар исканжасида, аммо у дардини ичига ютишга мажбур. «Дод, деб йигласа бўладиган ишлар ўтди бошимиздан. Қандоқ қиласайликки, сен билан бизнинг йиғлашга ҳаққимиз йўқ. Биз милт этиб ёш чиқазсак бошқалар фарёд уриб йиғи бошлашади. Халқнинг кўзидағи одаммиз», — дейди Тоға дўстига.

Романдаги Асрора образида ёзувчи услубининг бошқа бир қирраси намоён бўлган. Шўх-шаддод, эркак табнат бу қиз кўринган жойда ҳар доим қувноқ қаҳқаҳа авжга чиқади. У масхарабоз эмас, «дарди йўқ кесак» ҳам эмас, унинг қалбида ҳам ҳасрату надоматлар тўлиб-тошиб ётибди.

Дугонаси Дилдорга у шундай ҳасрат қи-  
лади: «Сен ўлгирнинг бирон ерингда меҳри  
гиёнг борми дейман, ҳадеб атрофингда  
йигитлар ўралашаверишади. Кўзинг ўлгир-  
ни сузсанг керакки, шундоқ қилишади.  
Нега менга бирор қарамайди?.. Муштдек  
бошинг билан учинчи йигитнинг бошини ай-  
лантиришинг. Эрдан чиққан хотиндан исит-  
ган ошнинг ҳиди келади, дейишарди, сен  
ўлгирдан нега келмайди?

Ҳа, сен чинакамига чиройли жувонсан.  
Зуваланг пишиқ экан. Сира айнимайсан.  
Мен унақамасман. Даля, офтоб тифидаги  
иш мени жуда хунук қилиб қўйган. Ундоқ  
десам, ўзим ўлгирда йигитларнинг кўзини  
ўйнатадиган ҳеч нарса йўқ. Онам раҳмат-  
лик ўғилга зор бўлиб кута-кута ўғил кўр-  
магандан кейин мени ўғил бола қилиб  
ўстирди. Эсингда борми, то бўйим чўзил-  
гунча ҳам шим киярдим. Белимга чорси  
боғлаб мактабга келардим. Ўғил болалар  
билан кураш тушардим. Қайнатанг ўлгир  
мени нима деганини биласанми? Жигига  
тегаверганимда, сен от қизсан, деган.  
Ўшанда қон-қон йиғланганман. Қандоқ қиласай,  
ўртоқ, юзимга упа сурсам ярашмаса, ла-  
бимга қизил сурсам ярашмаса, худди цирк-  
даги масхарабозларга ўхшаб қоламан. Май-  
ли, мен учун ҳам сен йигитларга ёқавер».

Ҳазил-мутойиба билан айтилган бу гап-  
ларда қанчалар драма бор! Қиз бола учун  
булар ҳазилакам кўргилик эмас. Бунинг  
устига уруш тугаб кўплар қайтиб кела-  
ди-ю, ушинг севган ёри қайтмайди. Булар  
қиз қалбини изтиробга солади, лекин у

кулги, ҳазил-мутойиба билан ташвишларни енгади, ўзгаларнинг ўртаиған кўнглига шодлик олиб киради, далда беради, дугонаси Дилдорни Ҳаётнинг катта йўлига чиқиб олишида муҳим роль ўйнайди. Бугина эмас, бу довюрак қиз ўзининг фавқулодда хислатлари, жасорати билан «Уфқ»нинг биринчи китобидаёқ китобхонга ёқиб қолган эди. У тошқин пайти зўр жасорат кўрсатади, ўзгаларнинг ёрига кўз олайтирган шилқим йигитни шарманда-ю шармисор этади; иккинчи китобда эса у ажойиб ташкилотчи, жонкуяр раҳбар бўлиб-етишади, катта хўжаликка бошлиқ — раислик лавозимига кўтарилади.

Адиб Асрора образи тасвирида чўл ҳикояларидаги йўлини тутади — кулги орқали қаҳрамонликни ифодалайди. Лекин чўл ҳикоялари персонажларидан фарқли ўла-роқ, Асрора маълум даражада фожийи шахс. Адиб адабиётда кам учрайдиган ҳам сғожина, ҳам қаҳрамонлик, ҳам комик хислатларни ўзида мужассамлантирган милий, оригинал тип яратади.

Ҳажвий образ — Иноят оқсоқол биринчи китобда керагидан ортиқроқ фош этилгани эди; у бу срда автор меъёри билан иш кўради, аввалгидек уни ҳам кулгили, ҳам жирканч қиёфада кўрамиз; хусусан унинг милиционер билан тўқианишви зўр чиққаи. Оқсоқол жиноят устида қўлга тушади. Энди унинг тадбиркор милиционер қўлидан чиқиб кетиши амри маҳол, шунда у ялниади, бўлмайди, пора бермоқчи бўлади, милиционер кўнмайди, охири милиционерни

ўғлиниг ўлсин, деб қаргайди. Шунда қаттиқ-қўл милиционер ҳизиқ ҳолатга тушади. урушда ўғли ўлиб биргина норастаси билан қолгаи, ўлимдан юрак олдириб қўйгаи бу жафокаш одам, гарчи ақидаларга ишонмаса ҳам, ўзини йўқотиб қўяди, абраҳ кимсани қўлдан чиқаради. Бу тўқнашув, руҳий ҳолат тасвири ҳам катта маҳорат маҳсали.

Автор Оқсоқолнинг кулгили, жиркач қиёфасини фош этиши билан баробар, бу китобда асосий диққат-эътиборни унинг аянчли қисматини, фожиасини кўрсатишга қаргади. Агар китобдаги Икромжон ўлими мардона ўлим бўлса, Оқсоқол ўлими аянчли ўлим, Икромжон ўзгаларга ҳаёт баҳиш этиб, қалб қўри билан ўзгалар дилини иситиб, олис уфқларга йўл очиб осонгина оламдан кетса, Оқсоқол ўзи йиққан мол-дунё оловида куйиб қоврилиб, ўзгалариш ҳам қовуриб, азоб-изтироб билан қийналиб жон беради. «Гўё қандай яшамаслик, умрни қандай ўтказмаслик тўгрисида каттакон театр қўйилаётиди-ю, одамлар келиб бу томошадан ўзларига хулоса чиқариб кетаётганга ўхшар эди», — деб ёзади автор унинг азаси ҳақида.

Оқсоқол жўнгина ўлиб қўя қолмайди, ўла туриб, у хонадонга бамисоли секкин таъсир этадиган оғу қолдириб кетади. Ҳолис ниятли Низом эҳтиёт чорасини кўради, ўз улушини — отадан қолган мулкини ўз эгасига — халққа топширади, Аъзам эса унга маҳкам ёпишиб олади, бу унинг вужудини заҳарлайди, ҳаром мулк уни яна ҳам.

тубанликка тортади, мулк деб қабиҳ жиноят қилишга бориб етади, ўз жигари — Низомжонга қасд қиласди, Маҳбубадан юз ўтиради ва пировардида шу оғу заҳри таъсирида ҳалок бўлади.

Ёзувчининг ҳажвий ҳикоялари таҳлили пайтида характерли бир камчилик қайд этилган — адаб ҳажвияларидаги кулгি кўпроқ вазият кулгиси бўлиб, санъат кулгисининг юксак хили — характер кулгиси занфроқ экани айтилган эди. «Уфқ»да ёзувчининг ҳажвий маҳорати ҳам ошган. Иноят Оқсоқол, шунингдек, Рисолат устидаги кулги — биринчи қитобдаги айрим камчиликларга қарамай — характер кулгиси, ҳар иккала персонаж ҳам ёрқин сатирик характер даражасига бориб етган. Ёзувчи улардаги комик хислатларниң манбаларини, ҳаётдаги илдизларини ҳам очган; уруш йилларидағи оғир шароит, йўқчилик уларни шу куйга солиб қўйга; илгари ҳам Оқсоқолда худбинлик, хасислик белгилари бор эди, оғир синов йиллари эса оу белгилар ўткирлашади. Уруш даврида жон сақлаган Оқсоқолининг бошқа шароитда — тинчлик кунларидаги яшashi, эркин ҳаракат қилиши мушкул бўлиб қолади. Қисқаси, адаб комик тасвирини аналитик тасвири даражасига кўтаради.

Асарда бир-икки бор кўриниш бериб, яна гойиб бўлиб кетадиган Она, Меливой ака, Шура, Малика ая, милиционер, Тўланбой каби персонажлар ҳам ҳаяжонли қисмати, бетакроғ индивидуал қиёфаси билан китобхон хотирида мустаҳкам ўрнашиб қолади.

**НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

**У. Норматов**

**Саид Ахмад**

(Литературный портрет)

**Редактор Т. АЛИМОВ**

**Рассом А. НЕКЛЮДОВ**

**Расм ёар редактори Н. ГИГАНОВ**

**Техн. редактор М. МИРЗААХМЕДОВ**

**Корректор Ш. Зухриддинов**

Босмахонага берилди 5-1-1971 йил. Босинига руҳсат этилди 21-IX-1971 й. Формати 70X90 1-32. Босма л. 2. 875. Шартли босма л. 3.36. Нашр л. 3.01. Тиражи 5000. Р. 1227-4  
Faфур Гуломномидаги адабиёт ва санъат нашриёти Тошкент. Навоий кучаси, 30. Шартнома № 49-70.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат Комитетининг  
Бекобод шаҳар босмахонаси. № 2 қозонига босилди.  
1971 йил, заказ № 4919. Баҳоси 14 т.

---

---

**Н 79**

**Норматов Умарали**

**Саид Аҳмад (Адабий портрет).**

**Т., Faфур Гуломномидаги адабиёт ва санъат**  
**назариети, 1971.**

**92 бет. Тиражи 5000.**

**1. Аҳмад Саид унинг ҳақида.**

**Норматов У. Саид Аҳмад. Лит. портрет.**

**8932**

**№ 39-70**

**Навоийноми ЎзССР Давлат**  
**кутубхонаси**

**Индекс 7-2-3**